


Boqiy fikr

*Baxt-u saodat
lavozimda, mansabda
emas, balki
jamiyatga, xalqqa
xolisona xizmat
qilishda.*

Islom KARIMOV



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqq boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 29-aprel, shanba № 34 (8995)

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ — МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 27 апрель кuni Жиззах вилоятида бўлди.

Мустақиллик йилларида вилоят ҳар томонлама ривожланди, шаҳар ва қишлоқлар обод бўлиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошди. Худудда амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида қурилиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

2016 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 9,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 17,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,3, қурилиш ишлари 11,8, чакана товар айланмаси 15,2 фоиз ўсди.

Ўтган йили саноат соҳасини ривожлантиришга доир 304; қишлоқ хўжалигига доир 696 лойиҳа амалга оширилди.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар самарасида кичик биз-

нес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2016 йилда 80,3 фоизни ташкил этди.

Худудий тасарруфдаги корхоналар томонидан 38 миллион долларлик маҳсулотлар ва хизматлар экспорти амалга оширилди.

“Жиззах” эркин иқтисодий зонаси вилоят саноатини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. 2016 йилда бу ерда фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан 163 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Биринчи Президентимизнинг 2013 йил 18 мартдаги «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги фармони асосида ташкил этилган ушбу махсус худудда ўтган йилларда 20 (Жиззах вилоятида 15 та, Сирдарё вилоятида 5 та) корхона ишга туширилди.

Замонавий технологиялар билан таъминланган корхоналарда 1000 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Иш ўринла-

рининг 60 фоизини олий ўқув юртлири ва касб-хунар коллежлари битирувчилари банд этди.

Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастурида вилоятда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини изчил давом эттириш, вилоятни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли манфаатларини таъминлаш бўйича катта режа ва мақсадларни баён этган эди. Президентимиз Жиззахга ташрифи давомида ана шу режалар ижроси, амалга оширилаётган ислохотлар ва истиқболли лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари ташрифини Зафаробод туманидан бошлади. «Чимкўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини худудида Жиззах нефтни қайта ишлаш мажмуаси қурилишига тамал тоши қўйиш маросими бўлди.

Маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

— 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макрокисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ислохотларни чу-

қурлаштириш орқали унинг рақобатбардошлигини оширишга алоҳида аҳамият берилган, — деди Президентимиз. — Ана шу устувор йўналишларни амалга оширишда ҳозирги кунда ва истиқболда юртимиз аҳолиси ва саноат корхоналарини сифатли нефть маҳсулотлари билан таъминлаш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жиззах вилояти катта саноат салоҳиятига, илмий-техникавий ва интеллектуал имкониятларга эга. Бу ўз навбатида янги заводни самарали ишлаши учун замин туғдиради. Янги корхона вилоят иқтисодиёти учун ўзига хос локомотив бўлибгина қолмасдан, бутун мамлакатимизни нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизимини тубдан яхшилаш имконини беради.

Ҳеч шубҳасиз, бу янги завод нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасидаги ноёб саноат объектларидан бирига айланади. Қиймати 2,2 миллиард доллар бўлган ушбу лойиҳа йилига 5 миллион тонна нефть хомашёсини қайта ишлаш имконини беради.

Ушбу мажмуа учун Қозғоғистон Республикаси ху-

дидан тортиб келинадиган қувурнинг умумий узунлиги 95 километрни ташкил этади. Бу энергия ресурсларини етказиш харажатларини кескин камайтиради ва лойиҳанинг иқтисодий самардорлигини оширади. Нефть нархининг арзонлашиши мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларига ижобий таъсир кўрсатади. Мажмуанинг географик жойлашуви ишлаб чиқарилган маҳсулотларни мамлакатимизнинг барча худудларига ва экспортга минимал харажатлар эвазига етказиш имкониятини таъминлайди.

Заводда углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича энг замонавий, экологик тоза ва энергетик жиҳатдан самарадор технологиялар ўрнатилади. Улар асосида Евро-5 стандартидаги юқори сифатли мотор ва авиация ёқилгиси, бензол, мазут, битум ва бошқа нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Авиация керосини ишлаб чиқариш мамлакатимиз авиация соҳасини янада ривожлантириш, ҳаво кемаларимизнинг парвоз географиясини кенгайтириш, савдо-иқтисодий алоқалар, туризм салоҳияти ортишига хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда.)

2017-yil — Xalq bilan muloqot va inson manfaatlarini yili

Сув томиб-томиб тошини емиради ёки занг аста-секин ҳар қандай мустақкам пўлатни ҳам чиритади. Шу маънода аҳоли мурожаатлари ўз вақтида қонуний ва самарали ҳал қилинмаса, улар йиғилиб-йиғилиб, ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши муқаррар.

Адолат ва ҳақиқат амалда таъминланса, одамлар ҳаётдан рози бўлади

Шу маънода Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқ билан фаол ва очиқ мулоқот олиб бориш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш борасида асос солган янги тизим — Халқ қабулхоналари институти нафақат мурожаатларни қаноатлантириш, балки ҳаётимиздаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўришдек катта мақсадларга хизмат қилмоқда.

Бу жиҳатлар 28 апрель кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат-

лари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида ташкил этган навбатдаги сайёр қабулда ҳам ўз ифодасини топди. Очиқ мулоқотда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, вазирликлар, давлат кўмиталари, марказий идора ва ташкилотлар, банк-молия муассасалари, пойтахтимиз ва Мирзо Улуғбек тумани ҳокимликларининг раҳбар ва масъул ходимлари фуқаролару тадбиркорларнинг мурожаатларини тинглаб, уларни ҳал қилиши киришди.

(Давоми 3-бетда.)

Ахборот-кутубхона

ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Наманганда “Central Asia — 2017” Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари” XI Халққаро конференцияси бўлиб ўтди.



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Маданият, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Фанлар академияси ва бошқа ташкилотлар ҳамда Наманган вилояти

ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ахборот-кутубхона муассасалари раҳбарлари, журналистлар, хориқлик мутахассис ва экспертлар иштирок этди.

(Давоми 4-бетда.)

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ — МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мажмуанинг ишга туширилиши 2 мингдан зиёд, соҳага алоқадор ва хизмат кўрсатиш тармоқларида яна 14 мингдан ортиқ кишининг бандлигини таъминлаш имконини беради.

Мажмуага тантанали равишда тамал тоши қўйилди.

Тадбир иштирокчилари ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилган алоҳида эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Президентимиз Жиззах шаҳридаги Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази фаолияти билан танишди. Марказда тадбиркорларга барча турдаги хизматлар кўрсатилади.

Ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётган бугунги кунда компьютер, интернет ва бошқа алоқа воситалари олис қишлоқларда ҳам кундалик турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланиб бораётди. Замонавий технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги йилдан-йилга ошиб, компьютер техникаси ва электрон ҳужжат айланиш тизими ривожланаётди. Барча соҳада илгор коммуникация технологиялари қулай ва тезкор маълумот алмашиш ва хизмат кўрсатиш воситасига айланмоқда.

Марказда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган барча масала юзасидан турли соҳа мутахассисларидан жавоб олишлари мумкин.

Энди тадбиркор муаммосини ҳал қилиш учун турли ташкilotларга бориб юрмайди. Ушбу марказда барча соҳа мутахассислари уларнинг талаб ва тақлифларини ўрганади ва ечимини топади. Тадбиркорларга кўмаклашиш маркази тадбиркорларнинг ҳақиқий кўмакчиси бўлиши лозим, деди Шавкат Мирзиёев.

Туманларда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш марказлари ташкил этилиб, улар томорқадан самарали фойдаланиш, микробизнесни йўлга қўйиш, микрокредитларни расмийлаштириш, ажратилган кредитларни мониторинг қилиш каби масалалар билан шуғулланади. Вилоят бўйича 91 ана шундай марказ очилиши кўзда тутилган.

"Халқни тадбиркор қилиш" шиори остида тижорат банклари томонидан қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантиришда ички имкониятлардан самарали фойдаланиш, кичик бизнес субъектларини сифатли, қулай, ишончли ресурслар билан таъминлашда тизмалар ишлар амалга оширилмоқда.

Энг олис ҳудудларда ҳам тадбиркорликни ривожлантириш учун, аввало, аҳолига тадбиркорлик бўйича етар-

лича тушунча ва билим беришимиз керак. Тадбиркорлар аҳолининг ва шароит яратиб берсак, улар ўзларини ҳам, аҳолини ҳам иш билан таъминлайди, деди Президентимиз.

Шу ерда вилоят иқтисодиёт комплекси томонидан амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги, ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликка кўмаклашиш тизими ҳамда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳам маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонасида яратилган шароитлар билан танишди.

Жиззах шаҳри Ш.Рашидов шохўчаси 117-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонасида фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилишига оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш учун барча қўлайлик яратилган.

Улкан бунёдкорлик ишлари Жиззах қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Одамлар ҳаётдан, яратилаётган имконият ва шароитлардан рози экани уларнинг очик чеҳраларида акс этган.

Президентимиз Жиззах шаҳрининг бош режаси асосида амалга оширилиши режалаштирилган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча шаҳарлари қатори Жиззахда ҳам кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Замонавий уй-жойлар, янги йўл ва кўчалар, хиббонлар барпо этилмоқда.

Темирйўлчилар ва Тошкент кўчаларининг меъморий ечимини бўйича лойиҳа шаҳарда темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолини арзон ва замонавий уй-жойлар билан таъминлашга қаратилган. Лойиҳага мурожаат қилиш учун барча қўлайлик яратилди. Янги кўчанинг икки томонида 5-7 қаватли замонавий уй-жойлар бунёд этилади. Мустақиллик кўчасида ҳам 7 қаватли турар жойлар қурилади. Ўзбекистон кўчаси кенгайтирилади.

Давлатимиз раҳбари бу кўчалар ва янги уйлар шаҳар қиёфасини ўзгартириш, аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Шароф Рашидов, Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиёбонларини барпо этиш лойиҳалари билан ҳам танишди.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 18 ноябрда Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашувда халқимизнинг фидойи фарзанди Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш, у

киши туғилиб ўсган Жиззах заминиде ёдгорлик мажмуаси барпо этиш тақдирини билдирган эди. Бу ташаббуснинг ижобати сифатида Жиззах тумани Шароф Рашидов тумани деб номланди. 2017 йил 27 март кунин Президентимизнинг "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бугунги кунда бу борада изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиёбонини барпо этиш, мазмун-моҳиятини бойитиш, уларнинг таваллудининг яратилган шароитлар билан танишди.

Жиззах вилояти туманлари марказларида бунёд этиладиган 4 қаватли арзон уй-жойлар лойиҳаси ҳам намойиш этилди.

Президентимиз Шароф Рашидов тумани "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти, профилактика инспектори яшаш жойи билан танишиб, "Учтепа" масивда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида бардан этилган уй-жойларда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 октябрдаги "2017—2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида барпо этилган ҳар бири 16 хонадонли 2 та икки қаватли ва 10 хонадонга мўлжалланган 2, 3 хонали, 2 сотих томорқа ва ёрдамчи иншоотларга эга битта бир қаватли уйда 42 оиланинг замонавий шароитларда яшаш учун барча қўлайлик яратилган.

Бундай замонавий уйлар қишлоқ кўрғига кўрқ қилиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш билан бирга, одамларда давлатимизга ва эртанги кунга ишонч тўғрисида янада мустаҳкамламоқда.

Янги уйлар "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши тавсияси билан биринчи навбатда турар жойга эҳтиёжманд ёш оилаларга берилди.

Давлатимиз раҳбари аҳоли билан мулоқотда бўлди.

Жорий йилда вилоятда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича 866 уй-жой қурилиши мўлжалланган. "Учтепа" массивида 6 та 16 хонадонли арзон уй-жойлар қурилиши олиб борилмоқда. Мақзур уйларни Мустақиллик байрамигача фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Президентимиз Пахтакор туманида бўлиб, Жиззах вилоятида енгил саноат, чарм-поабзал, қишлоқ хўжалиги тармоқларида амалга оширилган истикболли лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 декабрдаги

"2017—2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарори соҳа ривожини учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Вилоятда 2017-2018 йилларда енгил саноатни ривожлантириш дастури доирасида қатор истикболли лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Миллий банк томонидан "Элеганс текс", "Пахтакор голд текс", "Фориш голд текс", "Зомин текстиль", "Зарбдор текстиль" каби корхоналарда умумий қиймати 111 миллион долларлик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган. Бу 2 минг 890 янги иш ўрни яратиш имконини беради.

"Асака" банки, "Ипотекабанк" ва "Алоқа" банки томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш, етиштирилаётган пахта толасини ҳудуднинг ўзида қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш ва аҳолини сифатли кийим-кечак билан таъминлашга хизмат қилади.

Президентимиз ташкил этилаётган ҳар бир иш ўрни муҳим экани, корхоналарни барпо этишда замонавий қурилиш материалларидан кенг фойдаланиш ва ишга тушириш мuddатларини тезлаштириш лозимлигини қайд этди.

"Ўзбекизоқовқатхолдин" холдинги компанияси томонидан "Жиззахулгуржисамони" масъулияти чекланган жамияти негизда агрологистика маркази ташкил этилмоқда. «Жиззах» эркин иқтисодий зонаси ҳудудиде жойлашган ушбу корхона қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қуритиш, қадоқлаш, сақлаш, иссиқхона ташкил этиш ҳамда экспортга йўналтириш билан шуғулланади. Корхона газ, сув, электр энергияси билан тўлиқ таъминланган.

Агрологистика марказига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуналарни Италиядан келтириш кўзда тутилмоқда. Лойиҳа амалга оширилгандан сўнг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган 2 минг тонналик совутиқ, шунча сизимга эга дукакли маҳсулотларни сақлаш омборхонаси, 3 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватлари, 4 гектарда иссиқхона ташкил этилади. Ишчилар сони 150 нафарга етказилади.

Жиззах шаҳридаги «Бону ширинликлари» корхонаси томонидан қандолат ва шоколад маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси тақдим қилинди. 140 ишчи меҳнат қилаётган ушбу корхонада фаолиятни кенгайтириш мақсадида экспортга йўналтирилган қандолат ва шоколад маҳсулотлари ишлаб чи-

қариш линияларини ўрнатиш мўлжалланмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 14 миллиард сўм бўлиб, шундан 9,8 миллиард сўми Халқ банки кредити ҳисобидан амалга оширилади. Қўшимча 150 иш ўрни яратилади.

Янгиликка интилиб яшаш иқтисодиётимиз тараққиётининг муҳим омиллари, деди Шавкат Мирзиёев. Бугун жаҳон бозорида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга талаб ортмоқда. Бу иқтисодиётимиз тобора юксалиб бораётганидан далолатдир. Жиззах вилоятида амалга оширилаётган мазкур лойиҳалар иқтисодий самарадорлик билан бирга, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Вилоятда йирик чорвачилик лойиҳаларини молиялаштириш, паррандачиликни ривожлантириш, Зомин туманида тоқзорлар, иссиқхона мажмуаси барпо этиш, асал етиштириш, Бахмал туманида 2 минг бош қорамол боқиладиган ва сутни қайта ишлайдиган корхонани ишга тушириш, Фориш туманида насли эчкиларни кўпайтириш ва эчки сутини қайта ишлаш агрофирмаси ташкил қилиш, Фаллолор туманида ёнғорзорлар барпо этиш, Айдар-Арнасой кўллар тизимида балиқчиликни ривожлантириш лойиҳаларининг тақдимотлари ҳам ўтказилди.

Президентимиз ушбу лойиҳалар билан танишиб, уларнинг ҳар бири бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев «Жиззах» эркин иқтисодий зонасида ҳам бўлди.

Ҳозир ушбу эркин иқтисодий ҳудудда юк ва енгил автомобиллар учун тормоз колдқалари, телевизор, кондиционер, музлаткич, кир ювиш машиналари, микро-тўлқинли печь, светодиоди лампалар, полипропилен иплар, видео ва IP телефонлар, телекоммуникация ускуналари, интернет тезлигини оширувчи бутловчи қисмлар каби турли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Истикболда ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган янги маҳсулотлар ҳақида маълумот берилди. Безакли, флот ва ультраюкка ойналар ишлаб чиқариш лойиҳаси шулардан бири. Янги тақдим қилинаётган лойиҳада телефон ва планшетлар учун ойналар ишлаб чиқарилади.

Шароф Рашидов туманида мутасадди раҳбарлар ва вилоят фаоллари иштирокида видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда вилоят иқтисодиётини янада ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини янада ошириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

2017-yil 29-aprel, № 34 (8995)

Жорий йил юртимизда бахор ўзгача фойз билан ўтмоқда. Саҳий табиатнинг кўкларини серёгин қилишига элимизда эзгу мақсадларни кўзлаб амалда оширилаётган улкан ишлар эш бўлиб, халқимизни янги марралар сари руҳлантирмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Жиззах вилоятига ташрифи юртимиз табиатида ҳам, одамлар ҳаётида ҳам ана шундай бахорий яшариш ва янгилашиш палласига тўғри келди. Бу яратувчанлик давлатимиз раҳбарининг жойларда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишиши, халқ билан юзма-юз мулоқот қилиши асосида янги-янги режалар муҳокама-си жараёнида янада ёрқин намён бўлмоқда.

Президентимиз ташрифи давомида бўлган учрашувларда иштирок этиб, шу юртинг оддий бир фуқароси сифатида улкан бунёдкорлик ишларидан, давлатимизнинг аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, ҳар бир оила, ҳар бир

Dil izhori

рида ушбу улуг инсоннинг ёдгорлик мажмуасини барпо этиш, ҳайкалини ўрнатиш, унинг мемориал уй-музейни ташкил этиш ва музей ҳудудини ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари Жиззах шаҳрида барпо этилаётган Шароф Рашидов ёдгорлик мажмуасида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Ишонч сифат ва суръати га алоҳида эътибор қаратиб, уни ноябрь ойигача тугатиш юзасидан аниқ топшириқлар берди. Қурувчилар, ижодкорлар, фахрийлар билан дилдан суҳбатлашди. Суҳбатда Шароф Рашидовнинг 100 йиллик юби-

Адолат ва ҳақиқат амалда таъминланса, одамлар ҳаётдан рози бўлади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сайёр қабулда туманда мурожаатлар билан ишлаш, одамларнинг дарду ташвишларини тинглаб, муаммоларига ечим топиш борасидаги ишлар таҳлил этилиб, йўл кўйилаётган хато-камчиликлар кескин танқид қилинди.

Мазкур туманда яшовчи фуқаро Эргаш Холмуродов тугма ноғирон — кўзи оғиз. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети битирган. Хозирда ишга жойлаша олмапти.

Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари Дилшод Кенжаев, Ўзбекистон меҳнат вазирининг ўринбосари Баҳодир Низомов ва бошқа мутасаддилар биргаликда фуқаронинг мурожаатини кўриб чиқди.

— Ҳуқуқ йили яқунланаётган айни пайтда Ихтисослаштирилган кўзи оғизлар мактаб-интернатида вақант жой йўқ, албатта, сизни янги ҳуқуқ йилида ишга жойлаштиришга ҳаракат қиламиз, — деди Д.Кенжаев. — Бунинг учун белгиланган қоидаларга мувофиқ тифлопедагогика, яъни кўзи оғиз тарбияланувчилар таълим-тарбияси билан шуғулланиш бўйича қайта тайёрловдан ўтишингиз керак. Унча мурожаатингиз Халқ таълими вазирига назоратида бўлади.

Туман мутасаддилари Э.Холмуродовга бунгақа бирор иш билан шуғулланиши маслаҳат берди. Хусусан, унга маҳалласида имтиёзли асосда дала-дўкон ташкил этиш, бу борада, зарур бўлса, кредит олиш таклиф қилинди. Фуқаро оиласи билан маслаҳатлашган, таклифлардан бирини танлашини айтди.

Валентина Убайдуллаева туманининг Аҳмад Юноқнакий даҳасида яшайди. Кўп қаватли уйдаги хонадонининг умумий майдони — 77,28 квадрат метр. Айтишчи, худди шу ўлчамдаги кўшисининг уйи 63 квадрат метр атрофида белгиланган. Шу боис у «хонадон майдони аслидагидан кўпроқ ҳисобланган, айрим коммунал тўловларни қимматроқ тўлаётман», деган фикрда. Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчаси мулк кадастри давлат қорхонаси бошлиғи Алижон Шоев бошчилигидаги комиссия бу масалани жойига бориб ўрганиб, қонуний ечим топадиган бўлди.

Мирзо Улуғбек туманида яшовчи 67 ёшли Бироҳим Қаюмов уч марта миокард инфарктини бошидан кечирган. Унинг юрагига стенд қўйиш учун ордер сўраб қилган мурожаатини Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари тез қида кўриб чиқиб, ижобий ҳал қилди.

Очиқ мулоқотда аҳолидан табиий газ бўйича асоссиз қарздорликлар ҳисобланаётгани ҳақида кўп мурожаат келаятгани, бу масалани комплекс ўрганиб чиқиш, муаммонинг илдизини топиш ва bartaraf этиш лозимлиги таъкидланди. Сайёр қабулда бу борадаги қатор мурожаатлар кўриб чиқилди. Хусусан, Асадилло Розиков Мирзо Улуғбек тумани 4-берк Турон кўчаси 6-уйда яшайди. Айтишчи, 2016 йил-

нинг сентябрида табиий газ ходимлари унинг хонадонига хатлов ўтказиб, 2 миллион сўмдан ортиқ қарз ҳисобланган. Унга бу қарз 2010 йили табиий газ ҳисоблагичини қиёслов кўригидан ўтказилгани ҳақидаги сертификат белгиланган муддатдан кеч олингани билан изоҳланган.

— Модомики, шундай бўлган тақдирда ҳам, орадан етти йил ўтиб кетган, лекин ўша вақтда ҳисоблагич ишланган, унга асосан барча тўловни тўлаганимиз, бунинг исботлайдиган барча қивантани, мана, қўлимда турибди, боз устига 2015 йили шу ҳисоблагични яна белгиланган қида-талаблар асосида ўз вақтида қиёслов кўригидан ўтказганман, яхши ишлаяпти, — деди А.Розиков. — Ҳўш, табиий газ ходимлари ишлаётган ҳисоблагични носозга чиқариб, қарз ҳисоблаши мумкинми? Нега ўша вақтда бунинг менга тушуниришмаган? Уларга бу борада нима халал берган?

Мирзо Улуғбек тумангаз фойдаланиш хизмати бошлиғи Алишер Бойхонов фуқаро билан бирга масалани жойида ўрганадиган бўлди. Айтилишича, бу қарздорлик нотўғри ҳисобланган бўлса, дарҳол бекор қилинади.

Мирзо Улуғбек тумани Олтинтепа маҳалласи 2-берк кўчада 9 хонадон бор. Улардан икки хонадонда шаҳар канализацияси мавжуд, қолганларида йўқ. Бугун мазкур ҳудудда яшовчи Зухра Ҳайитмухамедова ва унинг кўшнлари мазкур муаммога ечим излаб, сайёр қабулга келган.

— Келин бўлиб тушганимга йигирма йил бўлди, шунча вақтдан бери бу муаммо хал қилинмади, — деди З.Ҳайитмухамедова. — Қўни-қўшнлар билан, рости, шу масалада қинайлаб кетдик.

Очиқ мулоқотда туман ҳокимлиги бу муаммони атрофича ўрганиб, уни ҳал қилиш учун амалий ёрдам берадиган бўлди.

Умуман, бугунга қадар Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига Мирзо Улуғбек тумани аҳолисида 18 минг 840 мурожаат келиб тушган. Шундан 6 минг 892 таси бевосита туман ҳокимлигига тегишли бўлиб, уларнинг 87,4 фоизи кўриб чиқилган, қолганлари ижрода.

Ҳўш, бу муаммоларнинг ечими қандай? Ҳар бир мурожаат ҳал бўлиши, адолат ва ҳақиқат амалда таъминланиши, худуд аҳолисининг шикоятлари қамайиши учун нима ишларни қилиш керак?

— Бугун туманимизда учинчи марта сайёр қабул ўтказилди, шу вақт мобайнида баъзи масалаларга ечим топдик, бироқ ҳали олдимизда қилинмаган ишлар анчагина, — деди Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Шерзод Кудбийев. — Бугунги очиқ мулоқотда яна бир бор ишимизга четдан баҳо бердик, ўзимизга бўлган талаб ва масъулиятни янада оширишимиз лозимлигини англадик. Асосий мақсадимиз — одамларни ҳаётдан рози қилиш. Буна уларнинг даромадини ошириш, иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш ва коммунал соҳаларда замонавий шароитлар яратиш орқа-

ли эришиш мумкин. Президентимиз Шавкат Мирзиёев гоёси билан мамлакатимизда муайян ҳудуднинг иқтисодий-иқтисодий ривожланиши учун жамоавий жавобгарлик тизими йўлга қўйилгани бунда жуда муҳим омил бўлмоқда. Тумандаги барча тизим раҳбарлари бир ёқадан бош чиқариб, бир-бирига кўмақдош-маслақдош бўлиб ишласа, муаммолар аста-секин bartaraf этилади.

— Мурожаатларнинг қонуний асоси борлари хал қилинмоқда, бироқ қонуний ечимни йўқ масалалар бўйича аҳолига тушуниришлар бериш борасида ҳали анча иш қилиниши керак, шунда фуқаролар мурожаатидан тўла қониқар ҳосил қилади, такрорий мурожаатлар қамаяди, — деди Мирзо Улуғбек тумани прокурори Темур Нормухамедов. — Бунинг учун мурожаатни дастлабки кундаёқ атрофича ўрганиб, ҳал қилиш чораларини қўришиш керак. Аҳолидан турли масалалардаги қонунбузарликлар, хусусан, баъзи ҳолларда ички ишлар ходимларининг айрим хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзилган аризалар ҳам келиб тушмоқда. Уларнинг баъзиларидаги вахтал асосли экани аниқланиб, айбдорларга тегишли чоралар қўрилмоқда.

— Бизнинг соҳада ҳам мурожаатлар билан ишладда барча имконият ишга солинмоқда, хусусан, мурожаат тўлиқ хал қилинмади, у назоратдан олинмапти, — деди Мирзо Улуғбек тумани ИИБ бошлиғи Азамат Уроқов. — Бунда ходимларимизни мурожаатлар билан ишлагга ўргатиш, уларнинг касб тайёргарлигини ошириш асосий масала бўлиб турибди. Чунки мутасаддининг ҳуқуқий билими-малакаси етарли бўлса, ҳар бир мурожаатни ўз муаммосидай қабул қилса, уни ҳал этиш учун бор куч-ғайрати билан ҳаракат қилади.

— Айрим сабабларга кўра фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам бериш, фуқаролар учун янги иш ўринлари яратишга қатта эътибор қаратмоқдамиз, — деди Мирзо Улуғбек тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вазирасини бажарувчи Ҳабибулло Иномов. — Ҳўш, ҳафтанинг ўзида солиқлар бўйича муаммолари бўлган икки қорхонага тадбиркорлик фаолиятини давом эттириши учун амалий кўмак кўрсатилди. Уларга имтиёзли кредитлар ажратилди, 12 одам иш билан таъминланди.

...Сайёр қабулда аҳолининг ҳуқуқий онгини, хусусан, мурожаат маданиятини юксалтириш ҳам долзарб масала экани таъкидланди. Қизгин баҳс-мунораза, юзма-юз, очиқ ва ошкора мулоқотлар асосида қатор муаммоларга ечим топилди. Қўшимча ўрганиш, текшириш ва вақт талаб қиладиган мурожаатлар бўйича мутасадди идора ва ташкилотлар вакиллари ўзларига тегишли ҳар бир масала ечими учун жавобгарлиқни зиммасига олди.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Мамлакатни обод, халқни рози қилиш ишлар йўлидаги эзгу ифодаси

одаминг бахтли яшати учун кўрсатаётган гамхўрлигидан ўзимни фойдасиз сездим, қалбимни юртдошларимиз қалбидан бугунидан шукроналик, эртанги кунига мустаҳкам ишонч туйғулари юксалтирди.

Президентимиз Зафаробод туманидаги «Чимкўрган» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда Жиззах нефтини қайта ишлаш мажмуаси қурилишига тамал тоши қўйишни нафақат рамзий маънода, балки амалда ҳам мамлакатимиз иқтисодий қудратини, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга қўйилган пойдевор, десам, мулоҳазага йўманган.

Бутун Марказий Осиё минтақасида нобъ санонат объектларидан бири бўлиши кўзда тутилаётган бу қудратли ишлаб чиқариш қорхонасининг мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, энг муҳими, турмушимиз янада обод бўлишидаги аҳамиятини тасаввур этиб, тадбирнинг барча иштирокчилари каби мен ҳам давлатимиз раҳбаридан беҳад миннатдор бўлдим.

Иқтисодиёт — ҳамма нарсанинг асоси. Шунинг учун давлатимиз томонидан иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожлантириш, тадбиркорларга кенг қўлай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Президентимиз инсон манфаатларини биринчи ўринга қўйиш деганда, аввало халқимизнинг турмуш маданиятини юксалтириш, миллий, тарихий, маънавий қадриятларимизни мустаҳкамлашга қатта эътибор қаратаётир. Бу давлатимиз раҳбарининг Жиззах шаҳрини бош режа асосида қайта қуриш борасидаги бунёдкорлик ишлари, туманларда маҳаллалар ҳаёти, халқимизнинг ардоқли фарзанди Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига қўйилаётган тайёргарлик ишлари билан танишиши асосида ҳам намён бўлди.

Президентимизнинг шу йил 27 мартдаги «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори асосида Жиззах шах-

лей муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан адибнинг «Сайланма» асарлари, ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Халқимизнинг оташкалб фарзанди» номи хорижа китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш, ҳужжатли фильм яратиш, илмий конференция ўтказиш устида иш олиб борилаётгани қайд этилди.

Жиззахнинг тарихий қисми бўлган собиқ Эски шаҳар ҳудудидан барпо этилаётган яна бир маънавият маскани — «Ҳамид Олимжон ва Зулфия боғи» деб юритиладиган ижодкорлар боғи қурилиши билан ҳам танишди. Халқимизнинг икки оташнафас шоири номи билан барпо этилаётган ушбу боғ мажмуаси вилоятдаги муҳим маданий масканлардан бири бўлади. Боғ ҳудудига тарихий Ҳўжа Нуриддин мадрасаси таъмирланиб, бу ерда Зулфия номидаги маънавият маркази фаолияти йўлга қўйилади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳам шу бинога жойлаштирилиб, турли маданий, адабий-бадиий тадбирлар ўтказилиши учун замонавий шароит яратилади.

Президентимиз ижодкорлар боғининг ташкил этилиши учун танланган жойнинг тарихий, табиий жиҳатдан қўлайлиги, унинг шаҳар маънавий ҳаётидаги ўрни, ёшларнинг адабиёт, шеърятга мухаббатини ўстиришдаги аҳамиятига эътибор қаратди. Ушбу улкан адибларимизнинг бебаҳо маънавий меросини кенг тарғиб қилиш, шеърларига жо бўлган эзгу тушунчалар моҳиятини ёш авлодга етказиш мақсадида мажмуада ёш ижодкорларнинг «Зулфия ва Ҳамид Олимжон мактаби»ни ташкил этиш таклифини билдирди.

Сўхбат давомида бунёдкорлик, маънавият ва китобхонлик ўзаро уйғун ва чамбарчас тушунчалар экани таъкидланди. Изчил амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари маънавият, китоб мутолааса ва китобхонлик маданияти билан боғлиқ эканини иштирокчилар ҳам чин дилдан ҳис этди.

Меҳрибон АБДУРАҲМОНОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими раҳбари.

Ахборот-кутубхона тизими такомиллашмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ахборот-кутубхона, ўқув, музей, архив муассасалари, оммавий ахборот воситалари ва нашриётлар фаолиятини давр талаби даражасида тубдан ислох қилиш, аҳолининг ахборот ва китобхонлик маданиятини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 январдаги “Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизimini ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши соҳада амалга оширилаётган ислохотларни янги босқичда давом эттиришда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори вазифини бажарувчи Умида Тешабоева. — Бугунги анжуман ҳам фан, таълим, маданият ва бизнес соҳасида электрон ахборот ресурсларини ривожлантириш,

тизим фаолиятини халқаро ҳамкорлик, илғор тажриба алмашинувлари асосида тубдан такомиллаштиришга қаратилган.

Тадбирда “Россияда мутолаани қўллаб-қувватлаш миллий дастури”, “Германия Кутубхоначилиги ассоциациясининг кутубхоначилиги соҳасида таълим ва ўқитишга қўшган хиссаси”, “ЮНЕСКОнинг медиа ва ахборот саводхонлиги бўйича ўқув дастури: Россия ва Ўзбекистонда мослаштириш тажрибасидан”, “Евроосий Кутубхоначилиги ассамблеяси лойиҳавий фаолиятида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг иштироки”, “Ўзбекистон Республикаси ахборот-кутубхона муассасалари: китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилишда ўзаро ҳамкорликнинг янги имкониятлари” каби мавзуларда маърузалар тинланди.

— Ўзбекистонда ўтказилган шундай конференцияларда учинчи марта иштирок этмоқдан, — дейди Германия Кутубхоначилиги ассоциацияси раиси Франк Редис. —

Ҳар сафар келганимда бу ерда рўй бераётган улкан юксалишлар қаторида кутубхона тизимининг ҳам халқаро стандартлар асосида ривожланиб, тизим фаолияти такомиллаштирилаётганига гувоҳ бўламан. Бу гал ҳам кутубхоналарни ривожлантириш бўйича кенг қўлмалли ишлар амалга оширилганини қузатдим. Айниқса, мутолаа ва китобхонлик маданиятини юксалтириш бўйича олиб борилаётган тарғибот ишлари ва амалий чора-тадбирлар диққатга сазовор. Конференцияда иштирок этиб, ўзим учун кўп нарсаларни ўргандим.

Конференция Нодира номидаги Наманган вилояти ахборот-кутубхона марказида ўз ишини секцияларга бўлинган ҳолда давом эттирди. Секция машғулотида ахборот-кутубхона муассасалари, нашриётлар, оммавий ахборот воситаларининг китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғиб қилишдаги ҳамкорлиги масалалари, фан ва таълим ривожига ахборот-кутубхона фаолиятининг аҳамияти, маданият ва санъат соҳасида ягона ахборот макони, ахборот-ку-



тубхона муассасаларининг нашриётлар, архивлар ва музейлар билан ўзаро ҳамкорлиги, автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимлари ва технологияларини ривожлантириш масалаларига бағишланган 50 дан зиёд маърузалар муҳокама қилинди.

Конференция доирасида мактаб кутубхонасида ахборот маданияти ва медиа саводхонлик асослари бўйича машғулотларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари мавзусида машғулотлар ўтказилди. Мутахассислар томонидан илмий тадқиқотларни ахборот билан қўллаб-қувватлаш ва нашр этириш фаоллиги бўйича маҳорат дарси, Ўзбекистон Республикаси йўзма электрон каталогини шакллантиришда ахборот-кутубхона муассаса-

ларининг ўрни, “UZMARS” форматида ахборот-кутубхона ресурсларини каталоглаштириш масалалари бўйича ўқув-тренинглр ўтказилди.

— Вилоят ахборот-кутубхона муассасалари 5 миллион 200 мингдан зиёд китоб, 380 мингдан ортиқ электрон ресурслар фондига эга, мунтазам фойдаланувчилари сони 800 минг кишидан ошди, — дейди Нодира номидаги Наманган вилояти ахборот-кутубхона маркази директори Мавлуда Жўрабоева. — Бундай йирик конференцияларнинг вилоятимизда ўтказилиши бу борадаги халқаро ҳамкорлик фаолиятимизни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

А. САТТОВ, ЎЗА мухбири

Одамлар кўнглига йўл топиб...

Миллий матбуот марказида Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини ҳимоя қилиш — давр талаби” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари А.Маврулов, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Ш.Ризаев, “Маънавият” нашриёти директори С.Аҳмедов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан халқимиз ўй-хаёллари, орзу-мақсадларига кўмакдош бўлиш, инсон манфаатларига устувор аҳамият қаратиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. 2017—2021 йилларда Ўзе-

Республика Маънавият тарғибот марказига тарғибот жараёнида фойдаланиш учун “Юрт тинчлиги, Ватан равнақи — олий нўмат”, “Маҳалла ободлиги — кўнгил ободлиги”, “Ҳушёрлик — осудалик мезони” каби мавзуларда медиатақдимот материаллари тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси-

2017-йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

бекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида жамият ҳаётининг бarcha жабҳаларини ислох этиш юзасидан кенг қамровли вазибалар белгиланган.

Бу борада Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан бир қатор ташкилотлар билан биргаликда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг китобга бўлган меҳрини кучайтириш, бугунги кунда жамиятимизда кечаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга кенг тушунтириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизнинг бarcha ҳудудларида, таълим масканларида, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”нинг фалсафаси”, “Инсон манфаатлари — олий қадрият” каби мавзуларда давр сўхбатлари ўтказилди.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини тарғиб этишга оид “Халқ ишончини оқлаш ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият ўқлайди”, “Давлат ва халқ бир-бирига таянувчи кучдир” каби мавзуларда маърифий материаллар, мақолалар тайёрланиб, оммавий ахборот воситаларида чоп этилди.

да”ги фармони шарҳи бўйича медиаматериаллар марказининг mgm.uz сайтига жойлаштирилди. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” фалсафаси” номи рисола нашрга тайёрланди.

“Мустақиллик меъмори ҳақида” мавзусида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган маърузалар матни ва медиаматериаллар тайёрланиб, жойларга етказилди. “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмита, “Ўзбекино” миллий агентлиги, Ўзбекистон Мудофаа вазирилик, Республика Таълим марказининг маърифий-режавий лойиҳаларига тегишли тавсиялар берилди.

Бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофчила таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга ва ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш бўйича ҳам тизимли ишлар бажарилди.

Анжуманда оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига жавоб қайтарилди.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ёшлар билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини тинглаш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак бериш кераклиги қайд этилган.

Ёшлар учун янги ижтимоий лойиҳа

Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаши ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазириликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамағамаси ҳамкорлигида амалга татбиқ этилган «Хизмат — беминнат» ўқув курслари лойиҳаси шундай ёшларни касб-хунарга ўргатиш, уларга қўшимча билим бериш, бандлигини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ушбу лойиҳанинг тақдимоти бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Видеоконференция шаклида ўтган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва бarcha вилоят мутасаддилари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаши раиси ўринбосари Ф.Муҳаммадхонова ва бошқалар мамлакатимизда ёшларнинг замонавий касб-хунар эгаллаши, таълим-тарбия олиши, чет тилларини ўзлаштириши, спорт билан мунтазам шугулланиши, ўз иқтидор ва салоҳиятини намоийш қилиши учун бarcha шароит ва имкониятлар яратилганини таъкидлади.

«Хизмат — беминнат» ўқув курслари лойиҳаси Ўзбекистон

Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш, Ҳаракатлар стратегиясида ёшларга оид давлат сиёсати доирасида белгиланган вазибаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Ёшларни касб-хунарга ўргатишда «устоз-шогирд» аънаналарини давом эттириш, бандлигини таъминлаш, маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар билан мунтазам мулоқот ўтказиш, уларни бепул ўқишга тайёрлаш лойиҳанинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Ўқув курслари мамлакатимизнинг бarcha маҳаллаларида партия ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилади. Ўқув дастурлари асосида чет тиллари, кимё, физика, математика, ахборот технологиялари, спорт, муסיқа, тасвирий ва амалий санъат бўйича таълим берилди.

— Мазкур ўқув курслари уюшмаган ёшларга қўшимча билим бериш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга хизмат қилади, — дейди Халқаро Менделеев олимпиадаси ғолиби Бекзод Болтаев. — Лойиҳада фаол қатнашиб, ёшларга мутахассисликларимиз бўйича қўшимча таълим беришга тайёримиз.

Дарслар иқтидорли талабалар, кўп йиллик тажриба ва касб маҳоратига эга бўлган педагоглар томонидан бепул ўтилади.

Н.НАСРИЕВ, ЎЗА мухбири

2017-yil 29-aprel, № 34 (8995)

Коллежнинг интилувчан битирувчилари

малакали мутахассислар сафида юрт равнақига ҳисса қўшаётир

Фаррух Абдуллаев Учқудуқ кончилик касб-ҳунар коллежининг 3-курсиди ўқияпти. У болалигидан машиш техника жиҳозларини созишга қизиқар, уйларига бирор юмуш билан чақирилган электрикнинг ишини синчиклаб кузатишдан эринмасди. Ана шу иштиёқ билан коллежга ўқишга кирган ўспирин махсус фанлар ва амалий машғулотлар жараёнида соҳанинг нозик ва эътибор-талаб жиҳатлари кўп эканини англади. Лайқати ва иштиёқига мос касб танлагани яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз устиди тинимсиз ишлашга ундади. Бугун Фаррух ўқини тугатиши билан иш топишига ишонади. Олдинда турган синовлардан муваффақиятли ўтса, учинчи ёки тўртинчи тўртинчи мутахассис сифатида фаолият бошлайди.

Бугун Учқудуқ кончилик касб-ҳунар коллежиди билим олаётган ёшларнинг барчаси Фаррух Абдуллаев сингари имкониятларга эга. Айна пайтда таълим муассасасиди худуднинг инфратузилмаси, мавжуд талаб ва эҳтиёллардан келиб чиқиб, электр жиҳозлари ва тармоқларини монтаж қилиш ва хизмат кўрсатиш бўйича техник-электрик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик, технологик машиналар ва саноат жиҳозларини созиш ва хизмат кўрсатиш механиги, очик кон машина ва жиҳозларини ишлатиш ва таъмирлаш бўйича уста, фойдали қазилмаларни очик усулда қазиб олиш бўйича техник, фойдали қазилмаларни бойитувчи, пайвандлаш ишлари (механик) техниги сингари ўндан ортиқ йўналиш бўйича кичик мутахассислар тайёрланапти.

— Муассасамиз асосан Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Шимолй кон бошқармасига кичик мутахассислар етказиб беради. Ўқувчилар ишлаб чиқариш ҳамда дипломолди амалиётларини ушбу бошқарма корхоналарида ўташади. Жорий ўқув йилида ҳам барча битирувчиларимиз ва бошқарма ўртасиди тўрт томонлама шартномалар имзоланган. Ана шу келишувга мувофиқ, ўтган ўқув йилида ўқувчиларни саккиз йўналиш бўйича ўқишга қабул қилган бўлсак, бу йил йўналишлар сони ортди. Жумладан, металлларга ишлов бериш механиги йўналиши ташкил этилди, — дейди коллеж директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Қанат Айтбенбетов. — Бирор йўналишнинг ташкил этишдан аввал шу ихтисослик бўйича назарий ва амалий билим бериш учун мустаҳкам моддий-техник база яратилиши керак. Айна ушбу — металлларга ишлов бериш механиги йўналиши бўйича йигит-қизларга пухта билим бериш мақсадида коллежмизга 4 та ярим автомат ва фрезер дастгоҳлари ўрнатилди. Шунингдек, автомобил-

ларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик йўналиши учун янги технологияларнинг устахоналаримизга ўрнатилгани ҳам самара берапти. Ушбу ускуналарни ўз ўрнида, тўғри ишлаши малакасини эгаллаётган ўқувчиларимиз автомобилларнинг моторини мустақил созишга ётади. Бу ўринда ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларининг бошқарма тасарруфиди корхоналарда етук мутахассислар раҳбарлигида олиб борилаётгани ҳам наф бермоқда.

Ишлаб чиқариш жараёни кизгин кечаётган корхонада амалиёт ўташ ёшлар учун мароқли. Айна пайтда бошқарма ва таълим муассасаси ўртасиди ҳамкорлик бўлғуси мутахассисларнинг билим, кўникма, малакаларидаги бўшлиқларни тўлдиришга қаратилиб, бу борада аниқ режаларга таянилаяпти. Қазиб, бурғулаш сингари босқичма-босқич бажариладиган ишлар асосан турли русумли автоуловлар ёрдамида олиб борилиши туфайли мураббийлар ёшларга техника хавфсизлиги қоидаларини пухта ўргатишга алоҳида аҳамият беришаётир. Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолй кон бошқармасига қарашли ахборот-коммуникация технологиялари маркази ишлаб чиқаришни автомат бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш гуруҳи раҳбари Юсуф Элликуловнинг таъкидлашича, ўқувчилар коллеж ва корхона томондан бириктирилган мутахассислар раҳбарлигида карьерларда олиб борилаётган ишларни кузатиб, ўрганиш билан бирга, ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этишмоқда. Ҳали мутахассислик дипломига эга бўлмаган фарзандининг маош олаётганини кўрган ота-оналар ҳам мамнун.

— Коллежмиз кутубхонаси бой китоб фондига эга. Биз бу ерда турли нашрларни ўқиб, дарслик ва ўқув қўлланмаларида қайд этилган маълумотлардан ҳам хабардор бўламиз, — дейди коллеж ўқувчиси Фаррух Бахромова. — Махсус фан



Kasb-hunar kollejlari hayotidan

ўқитувчимиз Нодира Алланова кўмағиди электрон манбалардан ҳам кенг фойдаланамиз. Корхонада ўз ишининг устаси бўлган Жаҳонгир Пирназаров бошчилигида кон ичиди бурғулаш машиналарини зарур ёруғлик билан таъмирлаш, электр тармоқларини монтаж қилиш, химия занжирини тўғри ва ўринли ишлатиш каби соҳанинг нозик жиҳатларини синчиклаб ўрганаёмиз. Амалиёт давомида бугунги кун мутахассиси илм-фандан доим хабардор бўлиб яшаши шарт эканига амин бўлдим. Зеро, тоғ-кон металлургия саноати иқтисодийтимиз тараққиётининг муҳим асосларидан бири бўлиб, соҳада янгиланишлар, модернизация жараёни кизгин кечмоқда.

Ўтган ўттиз йил давомида республикамиз тоғ-кон саноатига саккиз мингдан ортиқ кичик малакали мутахассисларни тайёрлаб берган мазкур таълим масканида ўқувчиларнинг касб-ҳунар эгаллаши, хорижий тиллар ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини чуқур ўзлаштириш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Жумладан, ахборот-ресурс маркази, шахсий компьютерлар ва информатика фани ўқув хонасиди компьютерлар "ZiyoNet" тармоғига уланган. Уларни қўллаш самарадорлигини ошириш бўйича ички назорат гуруҳи тузилгани компьютер технологияларидан узулқисиз фойдаланишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Коллежнинг расмий веб-сайти яратилган бўлиб, унинг саҳифалари коллеж ҳаётига оид янгиликлар, методик материаллар ва бошқа муҳим маълумотлар билан тўлдириб борилади.

— Таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий маҳоратини ошириш, соҳада амалга оширилаётган янгиликлар билан яқиндан таништириш мақсадида вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан ҳафталик, ўн кунлик ўқувлар ташкил этилади. Машғулотларни соҳанинг етук мутахассислари ўтказиб, тингловчиларга ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этилаётган янги ускуналар ва транспорт воситаларига хизмат кўрсатишга оид муҳим маълумотларни етказди. Ўз навбатида, биз ҳам семинарларда таълим-тарбияларимиздан ўқувчиларни хабардор этамиз, — дейди коллеж бош устаси Шерзод Назаров. — Муассасамизда ҳар йили "Кончилик куни", "Автомобилчилар куни", "Электриклар куни" каби соҳамизга алоҳидор касб байрамларини нишонлаш аънаанага айлангани ўғил-қизларнинг билим ва малакасини синовдан ўтказиш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир. Илмий-педагогик кенгашларда малака ошириш курсини ўтаган педагог ходимлари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг ҳисоботлари таҳлил қилиниб, илғор тажрибалар таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилаётгани ҳам жамоа учун маҳорат мактаби вазифини ўтапти.

Муассасада ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, танлаган соҳасига қизиқишини янада ошириш мақсадида йигирмадан ортиқ умумтаълим фанлари, бешта спорт, олти касбий ва иккита

бадий йўналишдаги тўғрақлар ташкил этилгани ёшларнинг етук мутахассис, маънавиятли шахс бўлиб камолга етишига хизмат қилмоқда. Жумладан, 2014 йили коллеж ўқувчиси Малика Жаҳоновна "Конституция билимдон" кўрик-танловининг республика босқичида 3-ўринни эгаллади. Унинг тенгдоши Ирода Жуманова дзюдо бўйича Осиё чемпиони бўлиб, 2015 йили Зулфия номиди давлат мукофотига сазовор бўлди. Курашчи қиз Гулироза Тўракулова ўсмирлар ва қизлар ўртасиди ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 1-ўринни эгаллади. Ўтган йили "Камолот" ЕИХ марказий кенгаши томонидан ташкил қилинган "Кувноқлар ва зукколар" кўрик-танловининг республика босқичида коллежнинг "Учқудуқ учқунлари" жамоаси "Энг кувноқ жамоа" номинациясида голибликни қўлга киритди. Коллежнинг яна бир иқтидорли ўқувчиси Боғдагул Бобокүлова пауэрлифтинг йўналиши бўйича Осиё чемпионатидан олтин медаль билан қайтди.

Коллеж ўқув биносининг барча хоналари ва йўлакларга кузатув камералари ўрнатилгани ўқитувчи ва ўқувчиларнинг масъулиятини янада ошириб, дарсларнинг мазмуни ва сифатини, ўзлаштириш самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилаётир. Замонавий талабларга монанд қурилган спорт зали ўқувчилар ихтиёрида. Туманининг турли овулларидан келиб ўқиётган ўқувчилар учун барча қулайликларга эга 100 ўринли тураржой биноси бунёд этилган.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Yangiliklarda yurt nafari



❖ **Пойтахтимизда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан 28 апрель – Бутунжапон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Меҳнат вазирлиги, «Санатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти мутасаддилари, иш берувчилар бирлашмалари, корхона ва ташкилотларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислари, Халқро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича бюроси экспертлари иштирок этди.

Давра суҳбатида турли соҳаларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлат, касаба уюшмалари, иш берувчилар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш, меҳнат муҳофазасига доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш каби масалалар атрофича муҳокама этилди.

Тадбирда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган турли ташкилотлар мутахассислари Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан рағбатлантирилди.

❖ **Тошкент давлат юридик университетда «Илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишнинг илмий-услубий масалалари» мавзусида анжуман ўтказилди.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари мутасаддилари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

— Университетимизда юқори салоҳиятли, юрт тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган етуқ мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади, — дейди ёш илмий изланувчи Ирода Салимова. — Ҳар бир кафедра негизда илмий тўғрақлар фаолият олиб боради. Иқтидорли талабалар ўз қизиқишидан келиб чиқиб бу тўғрақларга аъзо бўлади, малакали устозларнинг ёрдамида илмий-тадқиқот ишларини олиб боради.

Йиғилишда магистрик тадқиқот ишлари тайёрлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари, илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти, соҳадаги долзарб масалаларни таҳлил қилиш ва бошқа йўналишларда фикр алмашилди.

❖ **Қорақалпоғистон Республикаси Амурдор туманидаги «Бек» тўйхонасида 12 жуфт келин-куёвнинг никоҳ ва 21 боланинг суннат тўйи бўлиб ўтди.**

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, Амурдор тумани хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда кам таъминланган оилалар фарзандларининг бахтли онлари байрамона нишонланди.

Тўйхонага ёр-ёр садолари остида қириб келган келин-куёвларга тантанали равишда никоҳ узуги ва гувоҳномалари, мебеллар жамланмаси сертификатлари, тўйболаларнинг ҳар бирига велосипед ва 1 миллион сўм маблағ қўйилган омонат дафтарчаси топширилди.

— Неварам Дилшодбекнинг суннат тўйи тантанали нишонланганидан беҳад хурсандман, — дейди «Жумиртов» овул фуқаролар йиғинида яшовчи А.Жуманиёзова. — Фарзандларимиз бахт-саодати учун гамхўрлик қилаётган Президентимиздан беҳад миннатдоримиз.

Таниқли санъаткорлар ижросида куй-қўшиқлар янгради.

❖ **Ўрта Чирчиқ туманида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида «Китоб ўқиш оилалар бошланади» шiori остида китоб акцияси ўтказилди.**

Тадбирда вилоятдаги маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган кутубхоналар фаолиятини самарали йўлга қўйиш, аҳоли, хусусан, ёшлар орасида китобхонликни кучайтириш учун кўпроқ нималарга аҳамият қаратиш лозимлиги ҳақида фикр алмашилди. Маҳалла фуқаролар йиғинларига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» жамоат фонди томонидан нашр этилган турли номдаги китоблар топширилди.

— Ёшларнинг китобга қизиқишини ошириш, аҳоли ўртасида мутолаа маданиятини юксалтиришда маҳаллаларда ташкил этилаётган кутубхоналарнинг аҳамияти катта, — дейди Бўстонлик тумани «Бештут» маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Мирабдуллаев. — Ақция доирасида билдирилган фикрлардан хулоса чиқарган ҳолда, маҳаллаларда, таълим муассасаларида нафақат ёшлар, балки ота-оналар ўртасида китобхонликни тарғиб қилувчи кўрик-танловлар, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этишни мақсад қилдик.

Тадбир доирасида Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг «Армон туни» деб номланган китоби тақдими бўлди. Ёшлар атоқли шоирларимиз шеърларидан намуналар ўқиди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Хорижий тажриба

юртимиз олий таълим тизимини ривожлантиришда асқотади

Президентимизнинг шу йил 20 апрелда қабул қилинган «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда барча олий таълим муассасаларида жоннинг етакчи илмий марказлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш, ўқув жараёнига халқро таълим стандартларига асосланган илгор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материаллари кенг жорий этиш, ўқув-педагогик фаолият ва малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчи ва олимларни жалб қилиш, улар иштирокида семинар ва машғулотлар ўтказиш бўйича режали фаолият олиб борилаетир.

Шундай машғулотлардан бирига самарали бошқарув ва касбий ривожланиш бўйича

британиyalik етакчи мутахассис Молли Харви тақлиф этилди. Тадбирда юртимиздаги олий таълим муассасалари мутасадди раҳбарлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ тингловчилари иштирок этди.

Учрашувда Харви хоним Ўзбекистоннинг қизиқарли тарихи ва ўзгал маданияти ҳақида кўп ўқигани, бой маънавий меросга эга мамлакатга келганидан ниҳоятда мамнулигини таъкидлади. Машғулотда таълим бошқарувининг асосларини такомиллаштириш, соҳада юқори натижаларни қўлга киритиш ва ўзаро тажриба алмашиш юзасидан фикрлашилди. Хориж-

лик мутахассис дунёнинг етакчи корпорациялари ва жаҳонга машҳур шахслар билан ҳамкорлик доирасида орттирган тажрибаси билан ўртоқлашди.

— Британиyalik мутахассис ўтказган машғулот ниҳоятда жонли ва самаралилиги билан эсда қоларли бўлди, — дейди «Таълим тизими менежменти» курси тингловчиси, Урганч давлат университети доценти Ислом Бойжонов. — Олий таълим муассасалари ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ўқув жараёнига хорижлик олим, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб этиш, улар тажрибасини ўрганиш таълим сифатини янги bosқичга кўтарашга сезиларли хисса қўшади.

Курбонбой МАТКУРБОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Масофавий методик ёрдам

ўқитувчиларнинг маҳоратини оширишга хизмат қилади

Республика таълим марказида бўлиб ўтган видеосеминарда умумтаълим фанларидан ўтказиладиган билимлар беллашувининг учинчи (вилоят) bosқичини ўтказиш, чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини оширишда самарадорликка эришиш йўллари, методик хизмат кўрсатишни самарали ташкил этиш омиллари (методистнинг иш тажрибаси мисолида), чет тили дарслик-мажмуаларидан мақсадли фойдаланиш орқали ўқувчиларда нутқ кўникмаларини ривожлантиришнинг самарали усуллари (амалиётчи ўқитувчи иш тажрибаси мисолида), чет тилларни ўқитишда лойиҳа методининг аҳамияти ва уни амалиётда қўллаш (амалиётчи ўқитувчи иш тажрибаси мисолида) каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Халқ таълими вазирлиги Таълим муассасаси

ларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдураҳим Носиров ўтган йилги билимлар беллашувида йўл қўйилган хато ва камчиликлардан хулоса чиқарган ҳолда, бу йилги вилоят bosқичининг адолатли ўтишини таъминлашга доир зарур tavsiyalar берди. Жумладан, тест синовлари жараёнида логин ва паролларнинг тўри киритилишига эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, бу йилги синов жараёнидаги тартиб-қоидаларга киритилган ўзгаришлар ҳақида ҳам маълумот берди.

Йиғилишда чет тилини ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича ҳам муҳим чора-тадбирлар белгилан олди.

Видеосеминарда соҳани янада ривожлантириш бўйича мутахассисларнинг мулоҳазалари тингланиб, атрофича муҳокама қилинди.

Зилола МАДАТОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Замонавий ахборот-ресурс маркази

ўқувчини китобхонликка чорлайдиган маскан

Ёшларни китобхонликка, мутолаага чорлаш мақсадида таълим муассасаларида турли маънавий-маърифий тадбирлар, адабий учрашувлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар билан давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Китобхонликни ривожлантиришга қаратилган кўрик-танловларда эса бу борада олиб борилётган ишлар sarҳисob қилинади.

Қибрай молия-иқтисодиёт коллежида «Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази» кўрик-танловининг Тошкент вилоят bosқичи ўтказилди. Ахборот олиш маданиятини шакллантириш, ахборот-ресурс марказлари фаолиятини яхшилаш, улар орасидан энг яхшиларини аниқлаш, илгор иш услубларини оммалаштириш, фаол ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш мақ-

садида ташкил этилган танлов кутубхоначилар учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

— Шу соҳада узок йиллардан буён меҳнат қилаётган устоз ҳамкасбларимизнинг тажрибасини, йўл-йўриқларини ўрганиб, замонавий иш услубларини уйғунлигида китобхонларга сифатли хизмат кўрсатишни мақсад қилганимиз, — дейди Юқори Чирчиқ агросаноат-

иқтисодиёт касб-хунар коллежи ахборот-ресурс маркази раҳбари Гули Аллаберганова. — Инсон қайси касбнинг этакини тутишини қатиби назар, унинг устасига айланиши зарур. Бугунги танлов ва унгача бўлган саралаш жараёни мени ана шу эзгу мақсадимга янада яқинлаштирапти.

Иштирокчилар беш шарт бўйича баҳсга киришиб, билим ва маҳоратини намойён этди. Якунда Қибрай молия-иқтисодиёт коллежи ахборот-ресурс маркази раҳбари Фарида Маликова 1-ўринни эгаллади.

Махфуза НОДИРХОНОВА,
Тошкент алоқа касб-хунар коллежи ўқитувчиси

Шоир шеърлари чет тилида янгради

Мирзо Улугбек технологиялар касб-хунар коллежида Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф таваллуди кунига бағишланган маданий-маърифий кеча ташкил этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, Мухаммад Юсуф асарларида халқчиллик уфуриб туради. Кишилар қалбида туғён урган юртга муҳаббат ва ватанга садоқат хислари равон ва содда тилда ифодаланган. Бу эса ҳар бир шеърят илосмандини тўлқинлантириб, жамоат таъриқига муносиб хисса қўшишга ундайди.

Кечада коллеж ўқувчиларининг бадий чи-

қишлари намойиш этилди. Ўқувчилар шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларни ўзбек ва инглиз тилларида айтиб бердилар. «Адабий-ёт» тўғрагининг ижодкор ўқувчилари шоир шеърларини чет тилига таржима қилиб, ўқиб беришди.

Шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган тақдирот ва видеоларха иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди. Шоир шеърлари таҳлилига бағишланган мунозара эса ўқувчиларни қизгин савол-жавоб ва баҳсга чорлади.

Камола АМИРОВА,
коллектинг ўзбек тили фани ўқитувчиси

2017-yil 29-aprel, № 34 (8995)

Ўзбекистон давлат консерваторияси. Бу даргоҳ санъатни илмга, илмни санъатга айлантира олган маънавият масканидир. Шу кунларда унинг кучоғи турфа гуллар бўйида тўлиб-тошган, десак шонинг. Бир-биридан хушбўй, муаттар ифоруларни мусиқий оҳанглар келтираётир. Янаям аниқроғи, "Санъат гунчалари"дан таралаётир бу тароват.

Маданият вазирилик, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамоат фонди ва Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган айни танлов юртимиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари, Маданият вазирилик тасарруфидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейларида тахсил олаётган ўқувчиларнинг маҳорат майдонига айланиб улгурди. Биринчи Президентимизнинг 2015 йил 20 ноябрдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016—2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилаётган ушбу танловда

аро кўрик-танловларда ҳам муваффақиятга эришган...

Ўтган йили ушбу танлов илк бора халқаро миқёсда ўтказилди. Унда юртимиздан 153 нафар, озарбойжонлик ва қозғистонлик ёш ижрочилар имтиҳон қилинди. Улар маҳоратини халққаро миқёсдаги етук мутахассислар, жаҳоннинг машҳур санъат арбоблари баҳолаб борди.

Жорий йилда танловнинг худудий босқичларидан 137 ўқувчи яқиний босқичга етиб келди. Улар учта (мис дамла, ёғоч дамла ҳамда зарбли чолгулар) гуруҳига бўлинган ҳолда баҳсини давом эттиради.

Сал нарироқда саҳнага текилиб ўтирган, эҳтимолки, рақибининг ижро имкониятини ўзича чамалаётган болакайни суҳбатга тортидим:

— Наманган вилоятиданман. Тўрақўрган туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактабиди ўқийман. 5-синфда, — дея ишонч билан гапира кетди

Созлар сехри

тимизнинг турли худудларидан келган ёш мусиқчилар иштирок этаётир. Ижодий беллашув дамла ва зарбли чолгуларда иқтидорини намойиш этаётган ўғил-қизларга турли халққаро танловлар олдида ўз имкониятини синовдан ўтказишда, истеъдод ва салоҳиятини чамалашда асқотмоқда.



Танловнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар "Санъат гунчалари"нинг нуфузи йил сайин ошиб бораётгани, ўғил-қизлар истеъдодини кашф этишда унинг ўзига хос минбар экани, ёш ижрочиларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида, моҳир созанда бўлиб етишишида ҳиссаси ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ёш иштирокчилар ижросида янграган гўзал куйлар ўзи эски, аммо ҳар эшитган юракка қайта-қайталаб ҳаяжон солади, хотираларни жунбушга келтиради. Куй қаърига тамоман сингиб кетган инсон кўз олдида эса ижодий майдон яралди, фантазиялар жўш ура бошлади. Мана, дамла чолгулар сандоси янграётир. Куй гўёки атрофни бор бўйича ўзига тортиб олган, қолган барча нарса маҳзумдек, сукунатга эш қилган. Бошловчи қизнинг гапидан сергаланиб, ўзимга келаман. "...Сўз Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаевга".

— Мақсадимиз ёшларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорини рўёбга чиқаришдир. Уюшмамиз ташаббускор ҳамкорлар қаторида эканидан мамнун. Яқин йиллардан ушбу танловнинг халққаро миқёсда ўтказилаётгани ёшларга янги марралар сари йўл очди. Дунёнинг турли худудларидан тенгқурлар ижросини кўриб, улар билан фикр алмашиб, катта мақсадлар сари биргаликда ҳаракат қилиши юртимиздаги ёш иқтидор эгаларининг маҳорати чарқиланишига ёрдам бераётир. Бу эса кўрик-танлов ўз олдига қўйган мақсад-муддаони тўлиқ амалга ошираётганидан далолат...

"Санъат гунчалари" кўрик-танловининг охириги беш йиллик кўрсаткичларига кўра, кичик (9—13) ҳамда катта (14—16 ёшдаги) гуруҳларда жами 855 нафар ўқувчи иштирок этган. Шундан 382 нафари ижодий беллашувнинг голиб ва совриндорига айланган. Ушбу танловда тажриба орттирган ёш ижрочиларнинг аксари Италия, Франция, Польша, Озарбойжон, Россия, Сербия, Белоруссия, Қозғистон каби қўллаб давлатларда ўтказилган халқ-

Содиқжон Тўхтабоев. — Бугунги танловга устозим Мирзажон Алиев билан бирга келдим. Зарбли чолгулар йўналишида иштирок этиб, голиб бўлмоқчиман. Танловга миллий ва хорижий куйларни тайёрлаб келганман.

Унинг ёнида ўтирган қизга "Қани, энди сиз гапиринг" дегандек юзландим.

— Севинч Шокирбоеванман. Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейида ўқийман. Танловнинг дамла чолгулар йўналишида иштирок этапман. Устозим Абдулазиз Абдусаломов билан яқиний босқичга жиддий ҳозирлик кўрдик. И.Б.Вангалнинг "Соната", Акрам Ҳошимовнинг "Сонатина" куйларини флейтада ижро этмоқчиман. Умуман, ниятларим кўп. Республика ва халққаро миқёсдаги танловларда муваффақиятли катнашиб, яқинларим, устозларим ҳамда менга ишонч билдирган инсонлар ишончини оқласам дейман. Хорижий давлатларнинг катта саҳналарида моҳирона ижром билан дунё ахлини лол қолдирсам, Ўзбекистон ёшлари сафидида мен ҳам жаҳонни ўз санъатим билан ҳайратга солсам... шунинг ўзи қувонч беради менга.

Болаларча беғубор орзу-ниятларнинг этагидан тутиб, қатынча ва журъат билан сўзлаётган, ўзини улўғ мақсадларга чоғлаган ука-сингилларим ғайратини кўриб ич-ичимдан суюниб кетдим. Хавасим келди...

Ўйлайман, танловлар ишонч улашувчи куч экан. "Санъат гунчалари"ни шунчаки ёш созандаларнинг голиблик учун синов майдони, десак адашамиз. Унинг туб моҳиятида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг ўқиб-ўрганишига бўлган меҳрини ошириш, асл санъат завқини туйишга ўргатиш, енгил-ёлпи оҳанглардан химоя қилиш... сингари аниқ мудаолар мужассам. Биз ҳам танлов иштирокчиларига омад тилаб қоламиз!

Дилмурод ДЎСТБЕКОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Илм-фан ривожини фаровон ҳаёт кафолати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан "Фан ва тараққиёт: илм-фаннинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни, натижалар, истиқбол режалар" мавзусида конференция ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Тадбирда парламент қуйи палатаси депутатлари, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Фан ва технологиялар агентлиги, Олий аттестация комиссияси мутасаддилари, мутахассислар, ёш олимлар ва журналистлар катнашди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида илм-фаннинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, академиклар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Илм-фаннинг таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси механизмлари, иқтисодиёт тармоқлари ва худудлар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда фан ва технологияларни ривожлантириш етарли даражада эмаслиги, жаҳон ва мамлакатимиз ютуқларидан фойдаланиш талабга жавоб бермаслигини кўрсатмоқда. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимидаги ортиқча талабар, диссертация ҳимояси учун чет

элларда нашр этилган илмий ишлар талабини соддалаштириш каби қатор масалалар ечимини кутмоқда.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илм-фанни ривожлантиришга алоҳида урғу берилган. Унга кўра, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ютуқларни амалиётга жорий этиш механизми, олий ўқув юртини ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш каби вазифаларни амалга ошириш кўрсатилган.

Иштирокчилар Президентимиз томонидан олий таълим тизимини ривожлантириш, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини, Фанлар академияси фаолиятини, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар илм-фан раванқи ҳамда соҳадаги қонунчилик механизмларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Анжуманда муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири

Инновацион иқтисодиёт раванқи йўлида

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирилик ҳамкорлигида 10—12 май кунлари ўтказилган X Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси олдида "Ўзбекистонда иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини таъминлашда интеллектуал салоҳиятнинг роли" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда миллий иқтисодиёт, юқори технологик ишлаб чиқариш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш учун шароит яратиш, корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш, юқори технологиялар миллий бозорини шакллантириш борасида олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда таъкидланганидек, ярмаркада 500 дан ортиқ илғор ғоя ва ишланма намойиши, жумладан, ёш олим ва талабаларнинг 100 та ишланмаси тақдироти ўтказилди. Ярмарка доирасида III Тошкент халқаро инновацион форуми бўлиб ўтди. Унда Болгария, Германия, Италия, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Япония сингари давлатлар, шунингдек, БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки, Британия Кенгашининг юртимиздаги ваколатхонаси «Erasmus+» миллий офисининг етакчи олимлари, мутахассис ва экспертлар иштирок этади.

— Инновацион ишланмаларнинг амалиётга таъбиқ этилиши, sanoat корхоналарида илм-фан ютуқлари, илғор технологияларнинг жорий этилаётгани мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг юксалишига хизмат қилмоқда, — дейди агентлик бош директори ўринбосари О.Парпиев. — Ҳозирга қадар ўтказилган ярмаркалар доирасида 4200 га яқин инновацион ғоя ва технологиялар намойиш этилиб, умумий молиявий ҳажми 144 миллиард 100 миллион сўм бўлган тўрт мингдан ортиқ шартнома имзоланди. Натжида қарийб 2 триллион 200 миллиард сўмлик 62 номдаги янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда, 59 та шартнома доирасида маҳсулотларнинг тажриба-синов ва sanoat намуналари юзага келди. Президентимизнинг юртимиз академиклари ва етакчи олимлари билан учрашувида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, жорий йилги ярмаркада иқтисодиёт соҳаларидаги муаммоларнинг аниқ ечимига қаратилган «Амалиётга жорий қилинган инновацион ишланмалар» йўналиши ташкил этилиб, унда 62 та маҳсулот намойиш этилади.

Анжуманда ярмарка дастуридан ўрин олган «Илм ва инновацион соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари» ва «Инновацион салоҳиятни юксалтириш» шўба-ларини ўз ичига олган «Ўзбек-немиш инновацион мулоқоти — билимларга асосланган жамият қуриш келажаги» мавзусида халқаро конференция, «Инновациялар — тараққиёт йўли» мавзусидаги давра суҳбати, «Иқтисодиёт тармоқларининг инновацияларга эҳтиёжи», «Илмий-техник маълумотлар базасидан фойдаланиш», «Ёшларнинг start-up майдончаси», «Робот-шоу» талабар ишланмалари тақдироти ҳусусида журналистларга батафсил маълумот берилди.

Камола ҲАЙДАРОВА

Каттақўрғондан Берлингача

Қалбдаги жароҳат битмагай

Киши ўз олдига бирон мақсад қўйиб, майда-чуйда ташишларга ўралашмай, бутун салоҳиятини шунга йўналтириб, чин дилдан интилса, албатта ниятига етади. Мана бир мисол: Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги Сармич қишлоғида яшовчи Мамарайим Тўрақулов деган юртдошимиз сув чиқмайдиган икки гектарлиқ тошлоқни бола-чақасини билан бир йил давомда тошдан тозалаш, бог яратганига минглаб гувоҳлар бор. Бу 1996 йилги гап. Ҳозир «Ҳусни Юсуф», «Дилафрўз», «Шоҳиди аъло», «Нани» деб аталувчи олма, ўрик, узум, анжирларнинг эрталишар, ўрталишар, кечилар навлари мўл ҳосил бериб, соҳибининг кўнглини шод, элдошлари дастурхонини обод қилмоқда. Бу ҳақда «Ишонч» газетасининг 2010 йил 14 январь сонидега Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Аликул Хонимқуловнинг «Тушларидега жилмаювчи бог» номли очерки эълон қилинган.

Ҳақиқатан ҳам дунёда ҳамма нарсанинг илоҳи бор. Бироқ ер юзидега қанча одам яшаган бўлса ҳаммасини бир туйғу ўртак бўлиши керак — болалик соғинчи, болаликка қайтишни илоҳи йўқлиги.

Биз тенги авлоднинг бололиги ўтган асрнинг етмишинчи йиллари охири — саксонинчи йилларига тўғри келади. Бугунги кун нукта назаридан қараганда у кунлар дунёдаги икки буюқ давлат ўртасида кулроллини пойғаси давом эттирган, миллионлаб одамлар кўнглининг бир чеккасини совуқ уруш ҳафти музлатиб турган давр эди. Харҳар замон газеталарда у ёки бу давлат атом бомбасини синовдан ўтказганини тўғрисидаги хабарларга қўзимиз тушарди. Бу хабарларни ўқиб бололиги уруш қўланқасидега қолиб кетган оталаримиз, биз учун жангҳолларда қон кечган болаларимизнинг кўнглидан не ўйлар кечган экан? Биз эса мактабдан келиб қочини ҳам

чала-чулла ичиб, футболга, гоҳидега «лой уриш», «чим уриш», «отишма», «пақ-пақ» деб аталишидан қўши назар, моҳиятан бир хил «уруш-уруш» уйинига ошқар эдик.

Раҳматли отам Мамарайим Нишон ўғли (1939—1999)нинг ҳикоя қилишича, уруш йиллари катта отам Нишон Аҳмад ўғли колхознинг йилқисини боққан. Унга иш ҳақи сифатида кунига учта нон беришаркан. Уни катта отам уч маҳал катта энам ва болалари — Зулайхо, Муқаррам ва Зумрад аммаларим, Иброҳим бобом ва отамга бўлиб берар экан.

«Жудаям эрка бўлганман, — дед эди отам. — Зулайхо амманг нимжон, Муқаррам амманг бақувват қиз эди. Доим кўтар деб хархаша қилиб, елкасидан тушмас эдим».

Халқимизда «Бировнинг нонини туя қилди» деган гап бор. Осмондан олинмаган. Тақсимотда отам «менга энг каттасини беринг» деб жанжал қиларкан. Қорни нонга тўймаган боланинг бу кичкинагина эркалигини ўйласам, ҳар сафар кўнглим бир газ чўкади.

«Энди кимнинг нонини туя қилиб берай?», — деб сўрар экан катта отам. «Меникини, меникини», — дейишаркан бобом билан аммаларим қилиб. Катта отам уларниқидан нонигагина бир-бир тийламан олиб ер экан. Эрактойи эса «Меникини катта туя қилинг» дегани учун унинг нонини катта тишлар экан.

Отам «мана бундай» деб бир бўлак нонни тишлаб кўрсатарди. Нон нима-си биландир тик турган туяга ўхшаб қоларди.

Еш бўлганмиз, отамнинг аммаларим Беғим момо, Хадича момо, Азиз момо сингари дўғоналари билан қишлоғимиз этагидега Ашрафсойдан, дашту далавлардан фронтдаги аскарларимизга келсера қилиш учун тошбақа териб келганликлари, ўзлари эса баҳор чоғлари бир қозон сувга бир ховуч ун ва исма-

лок солиб атала пишириб еганлари, Узоқ малим, Омон малим каби ўша пайти ўсмир болаларнинг кўш қўшиб ер ҳайдаганлари, хотин-халаларнинг гектар-гектар бугдойни ўроқ билан ўрганлари, машоқ терганлари, уруш йиллари тоғаси Элмурод Дўстмурод ўғлининг Эронда хизмат қилганлиги ҳақидаги ҳикояларини эртак ошитгандай тинглардик.

Дарвоқе, ўзаро гурунларда тошбақа ҳақидаги гапларни боёвтулик дўстимиз, «Ишонч» газетаси бош муҳаррири Жаҳонгир Шарофбоев ҳам ёши тўқсонга бориб қолган бувиси Ханифа Қорабовеадан эшитганини айтган эди.

Қишлоғимиз (Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Қизилқарвон қишлоғи) кичкина, аҳолиси мингдан элиб. Аммо уруш йиллари эркалари армияга олинмаган, чоллар, аёллар ва болалари фидокорона меҳнати билан фашизм устидан қозонилган галабага ҳисса қўшмаган биронта хондан йўқ ҳисоби.

Абдураззққ Дониёров, Абдурайим ва Абдурахмон Азимовлар, Урол Бобохонов, Урол Ражабов... Булар урушдан яраланиб бўлса-да омон-эсон қайтган қишлоқдошларимиз. Қайтмаганлари эса бундан ҳам кўп: Абдурахмон Абдуллаев, Қўрбон Болтаев, Ниёз Жўраев, Қўнғирот Бекмуродов, Омон Одинов, Ниёз Умиров... Уларнинг номлари пойтахтимизнинг Муस्ताқиллик майдонига ўрнатилган «Хотира китоби»да қайд этилган. Умуман қишлоғимиздан 45 киши урушга бориб, 16 нафари қайтиб келган, 29 нафари қайтмаган. Бугунги дориломон кунлар, болаликдаги беғубор орзуларимиз рўёби, болаларимизнинг қўла-ридаги ҳайрату кулгулар учун улардан қарздорим.

Иккинчи катта отам (онамнинг отаси), қўшни қишлоқда яшовчи Омон Ше-

рали ўғли бизникига меҳмон бўлиб келса, ҳар гап дастурхонга фотиҳа қилаётганда «Илоийм, биз кўрган урушнинг «из-лар кўрманлар!» деб дуо қилувчи эди.

Биз, уруш кўрмаганлар, ўша суронли йиллар ҳақидаги киноларни қанча кўп кўрмайлик, китобларни ўқимайлик, атиги бир кунлик қирғинбаротнинг даҳшатини ҳам тўлиқ тасаввур қила олмаймиз. Буни уруш қатнашчиларининг ўзидан сўраг. Агар бардоши етса, баданларидаги аллақачон битиб кетган яралар, қалблиридаги ҳамон битмаган жароҳатлар ҳақида сўзлаб беришади. Эҳтимол, халқимизнинг энг сара ўғлонлари 1941—1945 йилги урушдан олдинги ва кейинги ўн йилликларда Сталин бошлиқ мустабидлар қатагонининг жабрини тортганини ҳам эсингизга солишар. Буларни унуттишга эса ҳеч қай-симизнинг ҳаққимиз йўқ.

Бундан етти йил бурун, Каттақўрғон туманидаги 28-мактаб директори Азиза Боймуродова сабаб бўлиб, уруш қатнашчиси, кўплаб жўрлар ордан ва медаллар соҳиби, кўп ақўрғонлик гўри нурга тўлгур Ражаб Мухаммадиев (1922—2004)нинг хотира дафтари қўлимга тушиб қолди. Дафтарини менга у кишининг набираси, Янгийўл технология-иктисодийт касб-хунар коллежининг она тили ва адабийт фани ўқитувчиси Алишер Иброҳимов тақдим этди. Ражаб Бобонинг кўрган-кечирганлари асосидега «Каттақўрғондан Берлингача» деган китобча тайёрланди ва у «Тафаккур» нашриётида 2011 йили чоп этилди.

Қуйида китобчадеги айрим лавҳаларни эътиборингизга ҳавола қила-миз. Улар уруш ҳақидаги тасаввурингизни бироз бойитса, Ўзбекистон раҳбарияти юртайётган тинч-ликларвар сийёсатини қадрига етиш-га ундаса ажабмас.

Ҳасан Карвонли

Ўзим ҳақимда

Мен 1922 йили Каттақўрғоннинг Янгиобод қишлоғида камбағал оилада туғилганман. Отам Мухаммади Турсун ўғли деган киши бўлган. Бойлар эшигидега мардикорлик қилган. Ўзининг ери бўлмаган. 1930-йилларда колхоз тузилгандан кейин унда ишлаган. 1934 йили ўз ажали билан уйда вафот этган.

Онам Муқим Ҳазрат қизи деган аёл эди. Отамнинг вафотидан кейин Бекмурод деган кишига турмушга чиқкан. У кишидан икки синглим бор: Нортош Бекмуродова ва Севар Бекмуродова. Иккови ҳам бола-чақали.

Онам мен армяндан келиб ишлаб юрганамизда 1952 йили вафот этди. Ўғай отам 1950 йилда боқий дунёга рихлат қилган.

Мен 1935 йили Болтабек қишлоғида 4-синфни тамомлаб, 1936 йили Сунтагулга, Жажонгир, Раббим деган болалар билан Кадан қишлоғига бориб ўқидим. 7-синфни Каданда тамомлаб, Пайшанбадаги ўрта мактабни 1941 йили тугатдим.

Пайшанбада бирга ўқиган синфдошларимдан Кўмирда Мавжуда, Қўштепада Нозик,

Қиммат, Мундиёнда Урол, Пайшанбада Ойниса бор. Ўғил болалардан битта Қуролов Сарсон деган қозоқ ўқитувчи Қирғизда бор. Қолганлари урушда ўлиб кетган.

Пайшанба ва Каданда интернат ҳисобидан овқатланиб, ётиб ўқир эдик.

Илк жанг

...Дўхтирхонадан қайтиб келганимда ноябрь ойининг ўрталари эди. Жангга тайёр-гарлик кўрилатганимда. Ҳаво жуда совуқ, Шамол қорни у томондан бу томонга учуриб юрарди. Ертўламызнинг эшиги ичкарига очиларди. Кечаси билан эшик олдини қор қоплаб қоларди.

Биз жанг қилмоқчи бўлиб турган жой очик қир, пасти сой, қирнинг этагидега пиёда аскарлар жойлашган, уларнинг олдида Волга дарёсининг Москва тарафга оқиди-ган бир тармоғи. Дарёнинг биз тарафдаги ёқасидега ҳам немислар бор эди. Полкимиз урушга тайёр ҳолатда. Кечаси тўпларни қўриқлаб, мудо-фаада тураримиз.

Жанг қилишимиздан уч кун олдин кечаси траншеяда бораётсам, Шоҳўжаев Мухиддин жўрам оқоп деворига суяниб қотиб қолибди. Олдига бориб

«Мухиддин!» десам, «Ҳа?», дейди. «Нимага буйтиб турибсан?» десам, «Шундай бўлиб қолдим» дейди. Қимирлаёт-майди. Уни ертўлага судраб олиб келдим-да, санитар-инструкторни уйғотдим ва унга топириб қайтиб кетдим. Шу-шу, Шоҳўжаевни урушдан ке-рини кўрдим.

Шоҳўжаевни жўнатиб юборгандан кейин 1942 йил 25 ноябрь кунини жангга кирдик. Немисларни дарёнинг бу томонидан ҳам, у томонидан ҳам ҳайдаб, беш-олти қиш-лоқни озоқ қилиб, 11 кило-метр қувиб бордик. Тўртта тўпимиз бор эди, взводимиз-да битта қолди. Бозқолиари-ни немислар ишдан чиқарди. Тўпларни тортганидан 41 та отимиз бор эди. Улар ҳам жа-роҳатланиб, ўлиб тамом бўлди. Ғўштини қайнатиб едик.

Урушда фақат бир маҳал, кечаси овқат келтириб бери-шар эди. Баъзан шу ҳам бўлмай қоларди.

Шу 11 километр жойни озоқ қилгунча ҳалок бўлган аскарларни қўз олдимга кел-тирсам — ҳисоби йўқ. Ҳар бир ўрмондан иккинчидаги ўтиб олгунча орадаги очик жойда ўлган одам ҳар қадамга бит-тадан тўғри келади десам ҳам

бўлади. Одамни аямай олдин-га ҳайдашарди...

Оёғингдан отаман...

Шундай қилиб, битта тўп-имиз бутун қолгандан кейин бизга уни олдинга олиб чи-киб, маскировка қилиб қўйиб, немис танки пайдо бўлса ота-сизлар деган буйруқ бўлди. Снаррядни ўртасидан илга боғлаб, ипни бўйнимизга осиб, судралиб тўп ёнига олиб борардик. Бир кун суд-раб келаётганимда немислар ўққа тудди. Бир ўқ снارئди ўртасидан тешиб ўтиб кетди. Эсон-омон олиб бордим. Биттаси яроқсиз бўлиб қолди.

1942 йил декабрь ойининг бошлари эди. Ўзимиз арча дарахтларининг тагида, қорда ётадим. Фақат взвод коман-дири билан бўлима бошлиғи битта сабази ўрадай чўқур окопда эбиди. Шоҳўжаев Мухиддин кетганидан кейин Тар-нов қишлоғидан Шавқиев Мухиддин деган бола билан бир-го бўлдим. 10-11 декабрь кун-лари бизга овқат келмай қолди. Қорнимиз оч. 11 де-кабрь кунини туш пайти немис-лар ҳам, биз ҳам отишмай, тинч бўлиб қолдик. Уруш йўқдай. Шунда мен Мухид-динга «Жўра, мен немислар

чигим келди. Кўкрагига мил-тиқни тўғрилаб, хозир отиб ташлаб, командирга хабар қиламан деб кўрkitдим. Шун-дан кейин индамай, олиб кел-ди. Ошондан ера бошлади.

Арча тағида туриб, валён-ка этигим кўнжидан темир қошиғимни олиб, шохдаги қордан сув ўрнига еб турув-дим, кўққисдан немислар ми-номётдан ўққа тутиб қолди. Бир мина орқамга тушиб ёрилди. Йиқилиб тушдим. Нон еб турган Мухиддин Шавқиев дод деб қолди. Қарасам, пе-шонасидан қон оқапти. Уни командир олдиға, 50 метрча орқадега оқола олиб бордим. Лейтенант унинг ярасини боғ-лаб, менга «Бор, бунинг мил-тиғини келтириб бер, ўзи ор-қага — дўхтирхонага борсин» деди.

Мухиддин «Ўзим кетолмай-ме» сўраб олиб борсин» деб ил-тос қилди. Шу орада қо-қоқ оқолиға кирган эди, битта мина шу чўқурга тушиб ёрилди, командир титилиб кетди.

Мен Мухиддинни эргашти-риб дўхтирға жўнадим. Дўхтирхона икки километрча орқадан, бир қирдаги ертўла-да экан. Боргунча ўнг оёғим-ни босишга қийналдим. Жуда сувсаган эдим, етгунча қор еб бордим.

Дўхтирхонада сизлар бош-қа полкдан экансизлар, қабул қилолмаймиз деб чиқариб юборишди. Ташқарига чиқиб бўлиб сув ичувдим, қорнимда бир иссиқлик сездим. Ичим-га қўлимни суқиб кўрсам, қонга бўялиб чиқди.

Елкамдан, чап қўлимнинг тепасидан яраланган эканман. Камарим қисиб боғлангани учун қон даста кетмай, ор-қамдан олдимга оқиб келиб-ди. Хурсанд бўлиб кетдим. Чўнки урушда ярадор бўлиб тирик қолиш ҳам бахт ҳисоб-ланади.

Қайтиб яна шу дўхтирхона-га кирдик. Қабул қилмасанг, кетмаймиз деб ўтиб олдик. Дўхтир сўкина-сўкина рози бўлди. Мухиддинни яраси яқши боғланган экан, унга қоғоз ёзиб берди. Менинг ҳамма жойим увишиб ётган эди. Оёғимнинг оқаси ўнг қуймиқчига осколка кириб қолганидан экан. Дўхтир: «Соғ еринг қолмабди, ўлмайсан!», — деди. Бу гап менга малол келди.

Шундан сўнг унинг айтгани бўйича икковимиз 1942 йил-нинг 11 декабрида кунботар пайти қорнинг ёруғидега пиёда полк дўхтирхонаси томон жўнадик. Олти километрча юриб айтилган дўхтирхонани топиб келдик. Бу ерда мени оғир ярадор деб машинада, Мухиддинни эса юриш қоби-лятинг бор деб юра олади-дан бошқа ярадорларга қўшиб орқага — дивизия медресаба-тига жўнатишди. Шу тарика-Шавқиев Мухиддин билан аж-ралиб кетдик. У ўзи айтгани-дай ўйлардан олган пулни ўзи едимни, уйига жўнатдим — хабарим йўқ, Мухиддин ма-

саласига кейинроқ яна тўхта-лалан.

Палов

...Одер дарёсидан ўтгани-мизда ленинградлик Катя деган санитаримиз яраланди, воронежлик Паша деган ҳам-шираимиз, яна бир врач, учта фелдшер, старшинамиз ўлди. Ишқилиб, ярим одамимиз но-буд бўлди.

Орадан икки кун ўтгач, Чёр-нов билан мени яна полк шта-бига қақириб қолишди. Қор-онғи тушгач бораёқ, битта махфий пакет бериб, шуни ке-часи ўнта кам ўн иккига 1-ротага олиб бориб, натижа-сини етказиб келасизлар деб буюришди.

Ўйла тушдик. Ҳалиги яра-дор лейтенантни олиб келган жойининг чап томонидаги ўрмонга бораёямиз. Ўрмон ичи жуда қоронғи, уруш йўқдай жимжит. Ўзимизники-лардан кўпчилик ўлиб, рота-нинг одами взводниқачилик ёрилди, командир титилиб кетди.

Махфий пакет киссада, ўрмон оралаб аста-секин те-пяямиз. 1-рота қаердалиғи-ни сўрайлик десак, ҳеч ким у-рамайди. 200 метрча чап та-рафимизда бир сарой ёниб ётибди. Бизга айтилган жой-да ҳеч кимни учратмай, тава-қалига боравердик. Бир вақт немис аравақашларига тўкна-шиб кетишимизга озгина қолди. Иккита от-аравага ни-мадир ортиб олишган. Немис-тўйиб сув ичувдим, қорнимда бир иссиқлик сездим. Ичим-га қўлимни суқиб кўрсам, қонга бўялиб чиқди.

Елкамдан, чап қўлимнинг тепасидан яраланган эканман. Камарим қисиб боғлангани учун қон даста кетмай, ор-қамдан олдимга оқиб келиб-ди. Хурсанд бўлиб кетдим. Чўнки урушда ярадор бўлиб тирик қолиш ҳам бахт ҳисоб-ланади.

Қайтиб яна шу дўхтирхона-га кирдик. Қабул қилмасанг, кетмаймиз деб ўтиб олдик. Дўхтир сўкина-сўкина рози бўлди. Мухиддинни яраси яқши боғланган экан, унга қоғоз ёзиб берди. Менинг ҳамма жойим увишиб ётган эди. Оёғимнинг оқаси ўнг қуймиқчига осколка кириб қолганидан экан. Дўхтир: «Соғ еринг қолмабди, ўлмайсан!», — деди. Бу гап менга малол келди.

Шундан сўнг унинг айтгани бўйича икковимиз 1942 йил-нинг 11 декабрида кунботар пайти қорнинг ёруғидега пиёда полк дўхтирхонаси томон жўнадик. Олти километрча юриб айтилган дўхтирхонани топиб келдик. Бу ерда мени оғир ярадор деб машинада, Мухиддинни эса юриш қоби-лятинг бор деб юра олади-дан бошқа ярадорларга қўшиб орқага — дивизия медресаба-тига жўнатишди. Шу тарика-Шавқиев Мухиддин билан аж-ралиб кетдик. У ўзи айтгани-дай ўйлардан олган пулни ўзи едимни, уйига жўнатдим — хабарим йўқ, Мухиддин ма-

аскарларимиз ўрнига одам олиб, полкимизни тўлдириб, Найси деган дарё ёнидаги Найси шахрига бордик. Бу вақт 1945 йилнинг 20 апрели эди.

Армиямиз Берлинга ҳужум қилиш учун куч тўплаётганиди. Бизнинг 286-полкимиз Найси шахрининг жануби-ғарбий то-монидаги иккита қишлоқдан фашистларни қувиб чиқарди.

Найсидега мудофаада турган-нимизда бир иморатнинг ичи-да яшиққа солиниб кумга қўйилган қизил сабази кўриб қолдим. Ўзимизнинг паловни қўмсаб, гуруч аxtаришга туш-тиб, Иккита уйда шарти ке-сини етказиб келасизлар деб буюришди.

Ўйла тушдик. Ҳалиги яра-дор лейтенантни олиб келган жойининг чап томонидаги ўрмонга бораёямиз. Ўрмон ичи жуда қоронғи, уруш йўқдай жимжит. Ўзимизники-лардан кўпчилик ўлиб, рота-нинг одами взводниқачилик ёрилди, командир титилиб кетди.

Махфий пакет киссада, ўрмон оралаб аста-секин те-пяямиз. 1-рота қаердалиғи-ни сўрайлик десак, ҳеч ким у-рамайди. 200 метрча чап та-рафимизда бир сарой ёниб ётибди. Бизга айтилган жой-да ҳеч кимни учратмай, тава-қалига боравердик. Бир вақт немис аравақашларига тўкна-шиб кетишимизга озгина қолди. Иккита от-аравага ни-мадир ортиб олишган. Немис-тўйиб сув ичувдим, қорнимда бир иссиқлик сездим. Ичим-га қўлимни суқиб кўрсам, қонга бўялиб чиқди.

Елкамдан, чап қўлимнинг тепасидан яраланган эканман. Камарим қисиб боғлангани учун қон даста кетмай, ор-қамдан олдимга оқиб келиб-ди. Хурсанд бўлиб кетдим. Чўнки урушда ярадор бўлиб тирик қолиш ҳам бахт ҳисоб-ланади.

Қайтиб яна шу дўхтирхона-га кирдик. Қабул қилмасанг, кетмаймиз деб ўтиб олдик. Дўхтир сўкина-сўкина рози бўлди. Мухиддинни яраси яқши боғланган экан, унга қоғоз ёзиб берди. Менинг ҳамма жойим увишиб ётган эди. Оёғимнинг оқаси ўнг қуймиқчига осколка кириб қолганидан экан. Дўхтир: «Соғ еринг қолмабди, ўлмайсан!», — деди. Бу гап менга малол келди.

Шундан сўнг унинг айтгани бўйича икковимиз 1942 йил-нинг 11 декабрида кунботар пайти қорнинг ёруғидега пиёда полк дўхтирхонаси томон жўнадик. Олти километрча юриб айтилган дўхтирхонани топиб келдик. Бу ерда мени оғир ярадор деб машинада, Мухиддинни эса юриш қоби-лятинг бор деб юра олади-дан бошқа ярадорларга қўшиб орқага — дивизия медресаба-тига жўнатишди. Шу тарика-Шавқиев Мухиддин билан аж-ралиб кетдик. У ўзи айтгани-дай ўйлардан олган пулни ўзи едимни, уйига жўнатдим — хабарим йўқ, Мухиддин ма-

тушдик. Ҳолимиздан хабар олиб туринг» деб илтимо-с қилишди.

Орадан бир-икки кун ўтиб 1-баталёнга борсам, бир бой-нинг ҳовлисидеги қунҷикар то-монида, тол дарахтининг та-ғида оқоп қазиб ётган экан-лар. 26 апрель куни немислар повлис патрон деган қуролдан отиб, бизнинг олдинги тран-шеяни тортиб олибди. Бу ҳақда полк штабига хабар кел-дан заҳоти 1-баталён коман-дирига қоқ туш вақти — соат 12 да ўша жойга яқин бой-нинг ҳовлисидеги иккита ми-номётдан душманни ўққа ту-тиб, ҳўжмага ўтиб траншеяни қайтариб олиш тўғрисида буй-риқ берилди. Мен ҳам соат 12 бўлмай ярадорларни жангго-ҳдан олиб чиқиш учун иккита санитарим билан 1-баталён турган жойга бордим.

Белгиланган вақтда душ-ман миномётлардан ўққа ту-тила бошланди. Кейин аскар-лар ҳужумга ўтиб, немислар-ни траншеядан қувиб чиқа-ришди. Қаранг-а, шу орада фақат ўша фаргоналик икки йигит ўлибди.

Ота юрт соғинчи

...1942 йили фронтда туш кўрдим. Катта бир қора ит кели-либ чап қўлимдан тишлади. Шундан кейин шу қўлимдан оғир яраландим. Ўша ит 1945 йил январь ойида яна тушим-га кириб, югуриб келиб таш-ланди. Қўлимда қиличм бор эмиш. У билан итни иккига бўлиб ташладим, яна иккига, жами тўртга бўлибман. Уй-гонсам, қора терга ботиб ке-дирман. Қарангки, урушда Германия енгилди, тўртта бўлиниб кетди.

1945 йил 7 ноябрь куни кекса аскарлар қатори менга ҳам жавоб беришди. Жанг майдонидега уч йил хизмат қил-ган эканман. Ҳар йилга 900 сўмдан, жами 2700 сўм пул, қийм-кечак, совға-саломни тантана билан топиришди. Ўйга беш килодан учта посыл-ка жўнатдим.

Биз минган поездининг пешонасига Сталиннинг катта расми илинган, тағига русча-лаб «Она ватан, голиб ўғлон-ларингни қутиб ол!» деб ёзил-ган, ҳар вагоннинг олдинги бурчағига байроқ ўрнатилган, ўртасига шиорлар ёзилган эди. Бизни тантанали равиш-да қузатишди, ҳарбий оркестр мусика қалиб, суратчилар расмга олиб қолишди. Поезд икки километрча аста-секин, кейин тез юриб кетди.

Австриядан Венгрияга, ундан Руминияга, ундан Бесса-бияга, кейин Украинага етиб келдик. СССР худудига ўтга-нимиздан ҳар бекатда бизни халқ қутиб ола бошлади. Тош-кентта 1945 йил 4 декабрь куни етиб келдим. Хурсандли-гидан иштаҳам боғланиб, мутлақо овқат еёлмай қолдим.

Туи

Шундай қилиб Тошкентдан Каттақўрғонга 6 декабрь куни тунги соат иккиларда поезд-

да келдим. Мени учта ўғри қу-тиб олди. Бири новча, икки-таси қилтириқ киши эди. Шу орада поезддан каттақўрғон-лик Михаил деган жуҳуд киши ҳам тушди. Ёнимда немис ханжари бор эди (1980-йил-ларгача уйда турарди, кейин Хусан ўғлим йўқотдимни, бил-мадим). Шу ханжардан ҳай-киқдимми, ўғрилар бизга яқин-лашолмадилар. Аммо станци-ядеги чойхонага кирганимиз-да улар ҳам ортимиздан ки-ришди.

Чойхонада армиядан қайт-ганлар учун махсус жой бор экан. Чойхоначи бизни одам-лардан ажратиб, ўша томон-га ўтказди. Қўлимда бир ча-рудак ва бир тўрва қиммат-бахо нарсалар бор эди. Эр-талабгача шу чойхонада ўти-рдик.

Эрталаб Зирабулоқ кўчаси-даги чойхонага келдим. Бу ерда нонушта қилиш учун хал-тамдан чўчка гўштидан бўлган консервани олиб очдим-да, олдимдаги оппоқ соқолик бир отахон билан неварсини ҳам тақлиф қилдим. Ўзимча агар шу гўштининг чўчканики экан-лигини айтмасам гуноҳига қоламан деб ўйлаб, «Отахон, гўшт чўчканики, сизга айтиб қўйганим яқши» десам, у киши менга «Болам, бу мазорбос-ти, саовоб бўлади» деб гўштдан олиб еваризди. Кейин билсам, ўзимизда очарчилик экан, менинг бун-дан хабарим йўқ.

Чойхонадан пиёда Нарпай ёқасига келдим. Пайшанбага бориш учун биронта машина йўқ. Қарасам, пахта заводи-дан тўртта туя етаклаган бир эшакли отахон келаяпти. Ил-тимос қилувдим, битта туяга юкларимни ортиб, ўзимга ҳам «мин» деди. Туяга минмай ёнида Пайшанбага қараб пи-ёда жўнадим. Пашканинг бо-ғига келсам, бир шифёр бир ярим тонналик юк машинаси-ни тузатиб, жўнамоқчи бўлиб турган экан. Унга илтимо-с қилган эдим, дарров юкла-римни тудан олиб, машина-сига миндириб жўнади.

Пайшанбага тушга яқин ки-риб бордик. У ерда колхозиз-мизнинг саройи бор эди. Са-ройига келдим-да, уйга хабар қилдим. Келганимни бутун қишлоқ билиб, ҳовлига икки қишлоқ одами — эркак-аёл йиғилиб турганида кунботар маҳали Неъматнинг отаси Шоамат тоғанинг аврасида уйга кириб бордим.

Ўзимизнинг дарвозадан то мен келаятган тошлоққача одамлар подшоно қутиб ола-дигандай қатор бўлиб турган экан. Аравадан тушиб бир бо-шидан қўришиб келаявердим. Онам билан ўғай отам хур-сандлигидан супада қотиб қолишибди. Улар билан ҳам қучоқлашиб қўришдим.

Қариндош-уруғ, қишлоқ-дошлар менинг, мен уларнинг дийдорига тўймайман. Анча гурунлашдик. Бор пулимни бобойга бердим.

Эртаси кунни катта туй қил-дик.

Рисоладагидек қирқ беш дақиқалик дарс бир неча қисмга бўлинади: ташкилий қисм; ўтилган мавзунинг такрорлаш; янги мавзу бўлиши; янги мавзунинг мустақамлаш; ўқувчиларни баҳолаш; уйга вазифа бериш. Булар алоҳида педагогик жараён бўлиб, машғулотиликнинг мукамаллигини таъминлайди. Ҳар бир қисм намуна "ижро этилса", ўқувчилар дарсда зерикмайди, толиқмайди, мавзунинг қизиқиш ўрганади. Шу боис замонавий педагог дарсга тайёргарлик кўришда барча босқичларни эътиборга олиши лозим. Ана шу жараёнларни кузатиб, илғор ўқитувчилар амалда қўллаган келатган самарали методларни кенг тарғиб қилиш, камчиликларни таҳлил этиш мақсадида дарс қисмларига оид туркум мақолалар тайёрлашга киришдик. Дастлабки таҳлил дарснинг кириш қисмига қаратилди. Уни Чилонзор туманидаги 232-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Мухайё Каримбердиева билан ҳамкорликда олиб борамиз.

ташабуси пухта ўйлаб топилган. Жараённи кузатиб, эскича давоматни аниқлаш усули кўз олдимга келди. Ўқитувчининг синф журналидаги фамилияларни бирма-бир ўқиб чиқиши қанча вақт оларди! Бугун қўлланган усул ҳам вақтни тежаш, ҳам болаларга кун нафасини ҳис қилдириш имконини берди.

Педагогик вазият: Ўқитувчи: — Болалар, ҳафта давомида республикамизда бўлиб ўтган қандай янгиликлар, воқеа-ҳодисаларни кузатдингиз?

1-ўқувчи: — Шу ҳафтада

Dars — mutaxassis nigohida

лий ифтихор туйғуси шаклланиб, буюк боболаримиз каби кучли ирода, ақл ва салоҳият соҳиби бўлишга иштиёқ уйғонапти.

Педагогик вазият: Ўқитувчи: — Болалар, ким китобга таъриф беради?

Ўқувчилар: — Китоб — билим манбаи.

— Китоб — энг яқин дўст.

— Китоб — беминнат устоз...

Ўқитувчи: — Жуда тўғри! Ким охириги марта ўқиган ки-

Воҳидовнинг "Ўзбегим" қасидасига бастанланган мусика паст овозда янграй бошлади. Мушоира мазмунли ўтди (1 дақиқа). Сўнг дарснинг иккинчи қисмига, яъни уйга вазифаларни текширишга киришилди).

Эксперт хулосаси: — Ҳар ҳафта дарснинг ташкилий қисмида болаларни янги бир асар билан таништириб, қисқа фурсатда асар ҳақида тасаввур уйғотиш уни ўқишга қизиқишни кучайтиради. Ўқитувчининг болаларни мушоирага чорлаши ва жараёнда мумтоз ҳамда лирик куйлардан ўринли фойдаланиши ўқувчиларнинг эстетик маданиятини ҳам шакллантиради. Дарснинг дастлабки 5–7 дақиқасида ўқитувчи шундай маъно-мазмунга бой мулоқот муҳитини яратиш мумкинлигини исботлади. Ташкилий қисм ҳақида ана бир муҳим нарсани айтиб ўтиш ўринли. Янги ва қизиқarli маълумотларни бериш, аниқсқа, фаннинг истиқболлини бугунги воқеликларга боғлаб мулоқот олиб бориш ўқувчини мустақил фикрлашга, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссини туйишга ундайди. Дарс бошидаги бундай мулоқот болаларнинг дарсга фаол киришиб кетишини таъминлайди. Шу фурсатда ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг кайфияти, дарсга тайёргарлик ҳолатини ўрганишга улгурди. Шунга мувофиқ, дарснинг кейинги қисмига киришди. Аммо ташкилий қисмда мушоҳада этилаётган мавзулар, янгиликлар, савол ва топшириқлар меъёрдан ортиб кетмаслиги, имкон қадар янги мавзуга мос бўлиши керак. Акс ҳолда, ўқувчида дарс бошиданок фикрий тарқоқлик ва чарчоқ пайдо бўлиб, дарсни ўзлаштиришга қийналиши мумкин.

Зилола МАДАТОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Дарснинг ташкилий қисми

қимматли қирқ беш дақиқанинг қанчалик самарали кечишига ёки бесамар кетишига сабаб бўлади

— Ҳар бир дарс ўқувчи эътиборини жалб этишга қаратилган ҳаракат билан бошланиши керак, — дейди Мухайё Каримбердиева. — Дарснинг кириш қисминини ташкилий қисм деб атаймиз. Дарсга тайёргарлик кўришда энг катта янгиликни шу вақтда амалга ошириш керак. Узоғи билан 5–7 дақиқалик ташкилий қисмда ўқитувчи ўқувчиларни дарсга бирдек жалб эта олиши лозим. Бу кейинги жараённинг муваффақиятли кечишини таъминлайди.

232-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Санобар Ризаева 5-синфда "Алишер Навоий ҳаёти — маънавиятимиз гултоғи" мавзусидаги дарсни ўтиш учун хонага кириб келди.

Педагогик вазият: Ўқувчилар ўринларидан турдилар: — Ассалому алайкум!

Ўқитувчи: — Ваалайкум ас-салом, болалар! Бугунги дарснинг мазмунини ўқиб...

Ўқувчилар: — Адабиёт яшаса — миллат яшайди.

Ўқитувчи: — Баракалла! Сиз жумбоқни тўғри топиб-сиз. Ҳақиқатан ҳам, Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг адабиёт кадр-қимматини тараннум этувчи ибораси ва бугунги дарсимиз шиори "Адабиёт яшаса — миллат яшайди"... Бугун ким навбатчи? Марҳамат, синф давомати ва об-ҳаво ҳақида маълумот беринг.

Навбатчи ўқувчи бугунги сана ва об-ҳаво, даволат ҳақида маълумот берди. Ўқитувчи синфнинг озодлиги учун навбатчиға миннатдорлик билдириб, китоб, дафтар ва бошқа ўқув қуролларининг тўлиқлигини текшириб чикди.

Эксперт хулосаси: Ўқитувчининг дарсни жумбоқ билан тугатиши ва жавобини кейинги дарс шиори этиб белгилаши жуда яхши анъана. Ҳар бир ўқувчиға мутафаккирларимизнинг адабиёт, одоб-ахлоққа оид машҳур жумлаларини ёд олдириш, уларни ўз ҳаётида шиор қилиб белгилашга ўргатиш

бобомиз Соҳибқирон Амир Темурнинг 681 йиллик таваллуд кунини нишонладик.

2-ўқувчи: — 12 апрель кунини халқроқ космонавтлар кунини нишонланди.

Ўқитувчи ва ўқувчилар Амир Темурнинг буюк саркарда, нодир шахс, кучли давлат асосчиси каби қўллаб сифатлари, у асос солган қудратли давлатнинг ўзига ҳос қонун-қоидалари ҳақида 1,5 дақиқа мобайнида фикр юритдилар.

Эксперт хулосаси: — Ўқитувчининг ташкилий қисмда мулоқот технологиясидан унумли фойдаланиши яхши самара берди. Ўқувчилар фаол тарзда саволларга жавоб бериб, ўзини эркин туйиш ижобий ҳолат. Бу орқали ўқувчиларда янгиликларни таҳлил қилиш кўникмаси шаклланиб, воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси пайдо бўлади. Бир вақтнинг ўзида ўқитувчи тарих, сиёсат, ижтимоий масалалар хусусида ўқувчиларни фикрлашга чорлади. Бу орқали уларда мил-

тоби ҳақида ҳикоя қилишни истайди?

Ўқувчи: — Худойберди Тўхтабоевнинг "Сариқ девни миниб" асарини ўқидим. Асар қаҳрамони Хошимжон ўқимай машҳур инсон бўлишни орзу қилади. Бу йўлдаги ҳаракатлари зое кетади. Охир-оқибат билим олмай бирор касбни эгаллаб бўлмастлигини тушуни етади.

Ўқитувчи: — Баракалла, Муроджон! Утган ҳафта "Бир китоб тарихи" руқини остида шу асарни ўқиб тавсия қилинганди. Асарни ўқигани учун Муроджонни рағбатлантираимиз. (Ўқитувчи мустақил ишлар учун ташкил этган алоҳида рейтинг дафтарчасига баҳо қайд этди.) Бугун эса бўш вақтингизда Эркин Воҳидовнинг "Умрим дарёси" китобини мутлола қилишингизни тавсия этаман. (Ўқитувчи китобдан ўрин олган энг сара асарлар хусусида қисқача сўзлаб, шоирнинг "Нихол" номли шеърини ўқиб берди. Ўқувчиларни мушоирага чорлади, синфда Эркин

Касбга йўналтириш

бунда меҳнат таълимининг ўрни беқиёс

Ўқувчини баркамол этиб тарбиялашда меҳнат таълимининг алоҳида ўрни бор. Меҳнат инсонни улуғлаши, у орқали топилган бойлик нақадар тотли экани борасида ажодларимизнинг қўллаб ҳикматли гаплари бор. Ўқувчиларнинг касб таплаганига кўмаклашиш мақсадида мактабларда меҳнат таълими хоналарини замон талаблари даражасида жиҳозлаш, дарс, тўғарак машғулотиларининг юқори савияда олиб борилишини таъминлаш долзарб масала.

Мактабимизда ўқувчиларни касбга йўналтиришни уларнинг қизиқишларига қараб ташкил этганмиз.

Дейлик, бола телевизор орқали моҳир санъаткорнинг дилтортар кўшигини тинглаб, томоша қилди ёки бошқа бирор касб эгасининг оламшумул кашфиёти гувоҳига айланди. Ўз навбатида, унинг ўзи ҳам келажакда шу касб эгаси бўлишни орзу қилади. Лекин айна жараёнда боланинг бир тўхтамаг келиши қўйин кечади. Агар меҳнат фани ўқитувчиси ўқувчидаги қизиқишни инobatга олиб, мактаб психологи, ота-оналарни ҳамкорликка чорласа, касбга йўналтириш ишлари самарали кечади. Шуни инobatга олиб, ўқувчиларим билан яқка тартибда иш олиб бораман. Масалан, 8-Г"синф ўқувчиси Аржуманбону Абдуназарова келажакда шифокор бўлмоқчи. Унинг



Мактабимизда ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида мунчоқли безак, бичиш-тикиш, зардўзлик, дурадгорлик, ҳайкалтарошлик тўғараклари мунтазам фаолият олиб бормоқда. Болалар қизиқишларига қараб тўғаракларга жалб этилган.

Мактабимизнинг 9-синф битирувчилари орасида турли кўрик-танловларда гойибликни қўлга киритган моҳир қўлли ўқувчилар талайгина. Улардан Жавоҳир Ахтамов вилоят микёсидаги "Истиқлол истезьодлари" кўрик-танловида фаол иштирок этиб, халқ хунармандчилигининг ҳайкалтарошлик йўналишини бўйича II даражали диплом билан тақдирланди. 8-Г"синф ўқувчиси Маржона Ҳасанова эса мунчоқли безак санъати бўйича учинчи ўрин соҳибаси бўлди.

Ўқувчиларни ёшлигидан фойдали меҳнатга ўргатиб бориш самара бериши тайин. Шунинг учун мактаб тажриба майдончаларида гул қўчатлари, полиз экинлари экиб парваришлаш, дарахларнинг тагини юмшатиш, ободонлаштириш ишларини болаларнинг ўзлари мустақил бажаришини уюштирамиз. Энг асосийси, улар ишидан қониқиб ҳосил қилади, меҳнати маҳсули — мева-чеваларни ўзлари йиғиштириб олади. Бир сўз билан айтганда, меҳнат завқини толади.

Дилфуза ТЎХТАМУРОВА,
Қарши шаҳридаги 11-мактабнинг меҳнат таълими фани ўқитувчиси

2017-yil 29-aprel, № 34 (8995)

Яқинда бир китоб билан танишиб чиқишга тўғри келди. У "Ўзбекистон қадим тарихининг нури саҳифалари (Қадимги Хоразм тарихи мисолида)" деб номланиб (муаллифи Самандар Исмоилов), 2016 йили Тошкентдаги "Турон заминиде" нашриётида чоп этилган. Сифатли қоғозга босилган, 320 бетдан иборат салмоқли китобнинг аннотациясидаги қуйидаги фикрлар эътиборга молик: "Китобни ўзишда муаллиф жуда кўп манбалардан ва қизқарган маълумотлардан унумли фойдаланган". Китобни ўқиш пайтида ҳақиқатан ҳам муаллиф жуда кўп манбалар қатори ҳозирги замон сەҳнатчилари, ҳаваскор тарихчилар ҳамда астрологларнинг гоя ва қарашларидан кенг фойдалангани маълум бўлди.

Асарда "ҳозирги одамларнинг дастлабки аждодларининг бир қисми Ерга Катта Айқ юлдузидан келиб жойлашганлиги", "сайёрамизда одамзотнинг ҳозирги аждодидан янада қадим яшаб ўтган 3-аждод Лемурийлар" ҳақида сўз юритилиб, мазкур мавзуга шундай хулоса чиқарилган: "Табиийки лемурийлар ниҳоятда кўп сонли халқ бўлиб, ўз даврига ҳос тамаддун яратган".

Хукмдорлар сулоласи номига ўхшаш, бироқ тарих фанига номалум "Лемурийлар" атамаси қаердан олинган экан, деган ўй билан манбаларни кўздан кечирдик. Зоологияга оид адабиётларда лемурулар ҳақида маълумот бор. Бу энг оддий маймун тури бўлиб, табиатшуносларнинг ёзишча, лемурулар тахминан 8 миллион йил аввал пайдо бўлиб, ташқи қиёфаси даярли ўзгармаган ҳолда ҳозир ҳам мавжуд. Улар Мадагаскар ороли, Африка ва Жанубий-шарқий Осиё ўрмонларида кенг тарқалган. Лемурулар илк бор Европа табиатшунослари томонидан XVIII асрда ярим маймулар сифатида таърифланган. Шу боис мазкур мавзунинг давом эттиришга жиддий зарурат йўқ.

Умуман олганда, китобда "Лемурийлар ва Атлантлар маданияти даври баёни" номли банд қайси жиҳатларига кўра Ўзбекистоннинг қадимги тарихи билан боғлиқ деган саволга аниқ жавоб йўқ. Аччиқ ҳақиқат шундаки, муаллиф мураккаб тарихий муаммоларни халқ қилишга бел боғловчи ишқибоз тарихчилар сафини тўлдириб, ғайриилмий ишлар миқдорини кўпайтирган, холос.

"Ўзбекистон қадим тарихининг нури саҳифалари" китобиде ўз аксини топган антиқа фикрлар кишини ҳақли равишда ҳайратга солади. Жумладан, "қадимги халқ — орийлар милоддан аввалги икки минг йиллик давомида қадимги Хоразм заминидан Евроосиё, Шимолий Африка, то Жанубий Америка бўйлаб ёйилган юқори маданият халқ бўлганлиги", Миср, Месопотамия, Бобил, Ҳиндистон ва Хитой худудларига "Қадимги Хоразмдан бориб жойлашган ва доимий яшаб қолган халқ — орийлар юксак маданият олиб боргани" ёки бошқа жойда ана шу хоразмликлар — орийлар Сибирь ва Беринг бўғози орқали Америкага ўтиб борганлари ва шу қўтқарди юртларга ҳам юксак маданият, илк тамаддун нурини ёйгани ҳақидаги фикрлар китобхонни ажаблантириши шубҳасиз.

Бироқ китоб муаллифи бу борада анча "кечиккан". Тарихий асотир ва афсоналар тўқишда ундан олдин "отни қамчиланганлар" бўлган. Салкам 20 йил аввал Алматиде нашр этилган "Племенное объединение "Уйгур", История уйгурской державы" ("Уйгур" қабилавий бирлашмаси. Уйгур салтанати тарихи)" номли асарда Уйгур давлати 12 минг йиллик тарихга эгаллиги ҳақда уйгурлар Беринг бўғози орқали Американи кашф этгани аллақачон эълон қилинган. Шунингдек, 2011 йили чоп этилган "Ўзбеклар шаҳараси (этноик тарихга ҳолис назар)" номли яна бир манбада 8-7 минг йил аввал, яъни неолит (янги тош) даврида Амударё ва Сирдарё оралиғидаги худудлардан аҳоли қўчиши тўғрисида Иккидаёри оралиғи — Месопотамияда зироатчилик маданияти ривож топган, деган қатъий фикр илгари сурилган. Бироз аввал Украина Ахойиб гоғлар академияси аъзоси "Начало цивилизации" ("Цивилизациянинг бошланиши") номли китобиде шумерларнинг ватани 8-7 минг йил аввал Дунай-Днепр оралиғида жойлашган ҳақда "Геродот мутлақо тарихнинг отаси эмас" деб қайд этган.

ижодкор зиёлилар, жамоат арбоблари ҳамда турли ижтимоий фанлар вакилларининг оммабоп, сеvimли машгулотиға айланиб қолди. Тарихий публицистика жанри юзга келди, унда илгариги ақидалардан қутулиш никоби остида тарихий воқеаларни эркин талқин қилиш тамойили қарор тоғди. Шу қаторда етарлича махсус билимга эға бўлмаган, тарих соҳасида илмий мактабни ўтамаган ва тарихий тадқиқот усуллари ҳақида тасаввурга эға бўлмаган тарих ҳаваскорлари вужудга келди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари олий илмий даража ва унвонларга эға бўлган

Dolzarb mavzu

устун туриши сабабларини тушуниш мумкин. Бироқ айрим нашриётларда моддий ва маънавий манфаатлар уйғунлиги, кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган сифатли махсулотни тақдим қилиш зарурати неғадир унутилмокда. Нашриётларда зиёлилар кам эмас. Шу боис улар "Катта Айқ юлдузи фарзандлари" ҳақидаги эртакам ҳўқояларни нашр этишга қўмаклашиш масаласини ўзаро муҳокама қилиб, ўринли хулоса чиқарганда, савобли иш бўларди. Зеро, нашрга қабул қилинган қўлэмаларда бошқа мамлакат халқларининг аждодлари томонидан (Шумер, Миср, Ҳиндистон ва ҳўқазо) яратилган маданий меросга очиқдан-очиқ даъвогарлик қилиш ҳўлатларига жиддий эътибор қаратиб, кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган ишлар орқали бундай уринишларга йўл очиб бермаслик ҳам долзарб вазифалардандир.

Шу маънода нашриёт муҳаррирлари "Ўзбекистон қадим тарихининг нури саҳифалари" китоби қўлэмасини ҳам диққат билан ўқиганларида эди, археологлар "Орол бўйи — қадимги Хоразм, ҳозирги муस्ताқил Ўзбекистон замини илк жаҳон тамаддуни Ватани бўлганини ҳамда тамаддун шу худуддан Евроосиё бўйлаб ёйилганини асослаб берганлар", "бу воҳода яшаб ўтган буюк аждодларимиз замонлар оша нафақат Евроосиё, балки Шимолий Африка ва Жанубий Америка бўйлаб тамаддун нурини ёйганлар", "балки бизнинг улўғ аждодларимиз Миср иероглифи ёзувининг ва араб алфавитининг шаклланишига асос солганлар" сингари уйдирмаларни таҳрир қилишган бўларди.

Марказий Осиё халқларининг холис ва ҳаққоний тарихини яратиш нафақат минтақавий, балки умумжаҳон аҳамияти касб этади. Бу биринчидан, Марказий Осиёнинг умумжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасининг ҳажми ва салмоғини дурустроқ англашга; иккинчидан, минтақанин худуддаги барқарорлик ва яхши қўшничилик муносабатини мустаҳкамлашдаги замонавий геосиёсий аҳамиятини тушунишга қўмаклашади. Шу сабабли турли нашр ва интернет сайтларида кечаётган "Орийлар муаммоси: янгича қарашлар ва ёндашувлар" мавзусидаги баҳс-мунозаралардан воз кечиш лозим. Чунки илмий мақолаларда ўз аксини топган "орийлар — туркийлар" назарияси таъсирида вужудга келган "юртимизнинг энг қадимги халқи хоразмлик орийлар" ҳақидаги гоғ китобхонга фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради. Агар ҳар бир муаллиф ўзининг шaxсий тахмин ва хулосаларини ёки хаёлий тасаввурларини тарихий ҳақиқат деб ўз мақолалари, ўқув қўлланма, монография ва оммабоп китобларида такрор-такрор баён этса, бу ўқувчини қалғитиб, боши берк қўчага олиб кириши аниқ.

Бугунги кунда ҳар бир тадқиқотчи фундаментал тарихий муаммолар билан шуғулланиш ишонига эға ва олимларнинг бош вазифаси — халқларни ажратиш эмас, балки бирлаштириш, уларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қўмаклашадиган иборат. Замонавий халқлардан қайси бири "қадимийроқ ва донишмандроқ" ҳамда қайси юрт ва вилоят "жаҳон тамаддуни Ватани" деган мавзуда исталганча баҳс юритиш мумкин, бироқ бу чинакам тарихий воқеаларнинг моҳиятини ўзгартирмайди. Бугунги кун ва келажак масаласига келсак, минтақавий муштараклик қонуни яғона минтақавий яшовчи халқларда яхши қўшничилик муносабатларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ умумий манфаатлар муваддиқлини кўрсатади. Нафақат минтақа мамлакатларининг, балки жаҳондаги барча мамлакатларнинг барқарорлиги этнослараро муносабатлар муаммосини муваффақиятли хал қилишга боғлиқ.

Анатолий САГДУЛЛАЕВ,
Мирзо Улўбег номидеги
Ўзбекистон Миллий университети
профессори, тарих фанлари доктори

Ўтмишни бўрттириб талқин қилиш ҳаққоний воқеликни ўзгартиролмайди, бироқ...

"Ўзбекистон қадим тарихининг нури саҳифалари" китобиде баён этилган айрим фикрлар маъносини тушуниш ниҳоятда қийин. "Қадимги замон одамлари жуда узок умр кўрган, яъни шу замондаги ҳар бир хукмдор 50—100 йил тахтда ўтирганини ҳам эътиборга олмақ керак" деган хулоса шулар жумласидандир. Мазкур маълумотнинг ишончилигини текшириш учун 6-синф "Қадимги дунё тарихи" дарслигига назар солиш етарли.

Дарслик маълумотларига кўра, Бобил подшоши Хаммурапи 42 йил тахтда ўтирган. Қадимги форс ҳўқодори I ва Хитойдаги Цин давлати хукмдори Цин Шихуанди 36 йил хукмронлик қилган. Қадимда яшаб ўтган бошқа барча хукмдорлар улардан кам вақт салтанат бошқарган. "Қадимги замон одамлари жуда узок умр кўрган" деб олиц ибтидоий жамятининг "олтин асри" — фароғатли хаёт тўғрисидаги ривоятларни ҳаққоний тарихий воқеа сифатида қабул қилиш ва жиддий равишда кенг тарғиб этиш соддаликка ўхшайди.

Бундай ишониб бўлмайдиган мазмунга эға гаплар, биринчи галда, ёшлар онгига салбий таъсир қилиб, уларда масалага тўғри ёндашишдан йироқ, ғайриилмий тафаккурни шакллантириши мумкин. Тарихни сохталаштиришга уринилган адабиётлар таҳлили замонавий афсоналар қадимий асотирларга нисбатан чегара билмас эканини ёркин ифодалайди. Энг қадимги даврлардан бошлаб инсон ўзини ўраб турган дунёни билишга ҳаракат қилган. Дастлаб билимлари чеклангани боис у ёки бу ҳўдаса ёхуд воқеани англаш учун инсон ўз тахмин ва хаёлий тасаввурларига таяниб хулоса чиқарган. Асотирлар ва афсоналар шу тариқа вужудга келган.

Бироқ замонавий муаллифларни фаназияга берилишига нима мажбур қилмокда? Бу савол Марказий Осиё минтақаси тарихини ёритиш мисолида ҳам баъзан тарихий манбаларга юзаси ёндашиш, баландрларвоз услуб, тарихий асотирлаштириш ва сохталаштиришда номоён бўлиши тўғрисида муҳим аҳамиятга эға. Хусусан, бу мавзу 2006 ва 2007 йили таниқли олим қадимшунос Эдвард Ртвеладзе билан бирга ҳаммуаллифликда чоп этилган "Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии" ("Марказий Осиё халқларининг узок ўтмиши ҳақидаги замонавий афсоналар") номли рисолада таҳлил қилиниб, Марказий Осиё мамлакатларида тарих фанининг ривожига ва тарихий маданий меросга муносабат масаласи, тарихни бунб кўрсатиш ҳамда ўтмиш воқеаларини ҳаддан ортиқ идеаллаштириш ва афсонавийлаштириш каби айрим муаммолар кўриб чиқилган эди. Таъкидлаш жоизки, ўтган асрнинг 90-йиллари ҳамда XXI аср бошларида Марказий Осиё мамлакатларида қадимги тарих ва тарихий-маданий меросга мурожаат кенг қўлоч ёйиб, бу қўлчан соф илмий муаммоларни ўрганиш доирасидан четга чиқа бошлади. Тарих

қўшни мамлакат тарихчилари қутилмаганда тожиқ халқи "милоддан аввалги III-II мингйилликлардаги эроний тилли орий халқининг тўғридан-тўғри этномаданий авлодлари" эканини эълон қилди. Баъзи ўзбекистонлик қадимшунослар бу фикрга қарши чиқиб, аслида орий қабиалари туркий тилли бўлиб, милоддан аввалги II мингйилликнинг ўрталарида уларнинг "Евроосиё даштларидан Урта Осиё худудларига кириб келиши натижасида ўзбек халқининг этногенези (келиб чиқиш) жараяни бошланди" деган муқоби билан гояни тарғиб қила бошлади. Минтақавий бошқа мамлакатларда ҳам бундай ҳўлат кузатилди. Жумладан, бундан 5 минг йил аввал "ўғуз-туркман халқи" кенг маълум бўлгани, "киргиз" номи "умумий туркий ўзақдан келиб чиққан замонавий халқлар номларининг энг қадимгиси" ва "сайёрамиздаги энг қадимий халқлардан бири" экани алоҳида таъкидланди. Бу мавзу муҳокамасида алоҳида халқнинг минтақавий энг қадимий шахарлар ва давлатчилик асосчиси, хўжалик ҳамда маданият ютуқлари, умуман маданий қадриятлар эғаси бўлгани хусусидеги гоғлар ҳам асотирли йўналишда ривож топди. Бугун бундай гоғларни фақат афсус билан эслаш мумкин.

Тарихни афсоналаштириш ҳамда "янгича ёндашуш ва қарашлар" контекстида ўтмиш воқеаларини бўрттириб талқин қилиш ҳўлатларига жиддий эътибор қаратмай, қўлай ва бетараф йўл тутиш ҳам мумкин. Бироқ бундай йўлни танлаб, тарихни сохталаштиришга уринишлар содир бўлаётганини олимлар совуққонлик билан кузатиб туришга ҳақлимиз? Замонавий афсоналар олиц ўтмишда юз берган ҳаққоний воқеликни ўзгартиролмайди. Аммо барибир, гап узок ўтмиш ҳақида борар экан, қўлаб инсонлар бу хусусдаги асотирларга ишонини хуш кўради. Афсуски, буларнинг бари ибтидоий тафаккурли жамятда, билимлар ва маълумотли инсонлар тақчил бир шароитда эмас, айнан XXI асрда рўй бермокда. Шу боис замонавий асотирларга нисбатан ижтимоий лоқайдликка берилмаслик лозим.

Тарихни англаш ва билишга табиий интилиш тўғрисида турли китоблар муаллифлари таваллуд топган вилоят Марказий Осиёда энг қадимги деҳқончилик ва ҳўнармандчилик маркази, шу замин аҳолиси этник ва маданий жиҳатдан орийлар ва скифларнинг ворислари бўлиб, Христофор Колумбдан минг йиллар аввал Американи кашф қилгани ва бошқа шу каби гоғлар тарихий ҳақиқат сифатида баён этилган.

Тарихга оид афсонавий мазмундаги китобларнинг пайдо бўлиши муаллифларнинг сайё-ҳаракатларидан ташқари нашриётлар фаолияти билан ҳам узвий боғлиқ. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида чоп этувчи муассасаларда молиявий манфаатларнинг

Озуқавий қўшимчалар

Уларнинг яширин хавфидан огоҳ бўлинг!

Севиб истеъмол қиладиган кундалик маҳсулотларимиз ичига "яширинган" қўшимчалар борлиги ва улар организмимизга тушса, хавфли "курол"га айланиши ҳамда йиллар давомида илдиз отиб, қатор касалликларни келтириб чиқаришини биласизми? "Е" ҳарфи билан ифодаланган озиқ-овқат қўшимчаларига ранг-баранг бўёқлар, таъм ва ҳид кучайтирувчи моддалар, стабилизатор, эмульгаторлар ва консервантлар кирди. Улар маҳсулотга ёрқин ранг, ёқимли таъм ва хушбўйлик беради.

Табий олча ёки олма шарбатидан тараладиган ҳид у қадар кучли бўлмайди, лекин ҳид кучайтирувчи моддалар қўшилганда шарбатларнинг, газли ичимликларнинг тотли иси бир неча қадмдан ҳам димогингизни қитқилайди. Қандопат маҳсулотларида ишлатиладиган камалакранг бўёқлар эса, кўзни қувнатади. Уларни кўриб, айниқса, болажонларнинг кўзи қамашади, дўкон пештахтаси томон таллиниб, ўша ширинлики олиб бермагунингизча тинчимайди. Бундай қўшимчаларни қўшишдан мақсад ҳам шу аслида: харидор эътиборини жалб этиш, унутилмас таъм билан ўзига ўргатиб олиш. Яна бир жиҳати шуки, бу қўшимчалар айрим ҳолатларда маҳсулотнинг умрини узайтириб, "касаликлар" — бактерия ва микробларга чидамлилигини оширади.

Тўғри, инсоният қадимдан озиқ-овқат тайёрлашда турли-туман қўшимчалардан фойдаланиб келади. Бирок, у қўшимчаларнинг ҳозиргиларидан фарқи табиийлигида эди. Масалан, ширин кучларнинг хушбўйлигини таъминлаш мақсадида ванилин ўсимлиги пўстлогидан, ранглар ҳосил қилишда мева-сабзавот шарбатидан фойдаланилган.

Кейинчалик, тажрибалар натижасида қўшимча моддаларнинг сунъий "авлод"лари каиф этилди. Улар табиатда учрамайдиган, инсон кўли билан яратилган, табиийларига фақатгина ҳид, ранг ва таъм жиҳатидан ўхшаш моддалардир. Табиий қўшимчаларнинг нархи қимматлиги сабабли ишлаб чиқарувчилар сунъийларини маъқул кўрадилар. Табиий қўшимчалар технологик жараёнда у қадар яхши натижа бермайди. Бунга асосий сабаб уларнинг хиди кучсизлиги, бўёқлари ёрқин рангларда эмаслигидадир. Шу каби важлар сабабли sanoatда сунъий қўшимчалардан фойдаланиш авж олди ва замонавий озиқ-овқат ишлаб чиқариш технологиясининг ажралмас қисмига айланди.

Авваллари озиқ-овқат қўшимчаларининг номлари маҳсулот ёрлигида тўлиқ кўрсатиларди. Бирок улар кўп жой эгаллагани боис, 1953 йилда

яхши сақланади.

Инсон организми бир хужайрали содда организмлардан фарқи улорқ, кўплаб хужайралар йиғиндисидан иборат. Шу сабабли бундай қўшимчаларга тўйинган озиқ-овқатлар истеъмоли натижасида юзага келадиган касалликлар бирданга пайдо бўлмайди. Йиллар давомида агар доимий истеъмоли қилинаверса, улар организмда йиғилиб, секин-аста ўз таъсирини кўрсатиб, сурунқали хасталиклар, хатто тана аъзолари иш фаолиятининг бузилишига олиб келади.

Озиқ-овқат қўшимчаларининг инсон организмга таъсирини ўрганган олимлар шундай ҳолатнинг гувоҳи бўлдиларки, хайратдан ёқа ушлайсиз. Улар илмий иш устида пухта ишлаш мақсадида бундай маҳсулотлар кўп истеъмоли қилинадиган давлатлар, жумладан, АКШ, Германия, Франциядаги қабрларни очиб, ундаги мархумларнинг танаси чиришдан тўхтаганини кузатишди. Бундай аянчи ҳолатга энг хавфли консервантлардан бири — E240 (формальдегид) узоқ муддат истеъмоли қилиниши сабаб бўлган.

Консервантланган қўзиқоринлар, шарбатлар, мурабболарнинг таркибига киритиладиган бу қўшимча формалиннинг бир кўриниши ҳисобланади. Маълумки, формалин нобуд бўлган организм ва тана аъзоларининг узоқ йиллар яхши сақланишини таъминловчи ва дезинфекцияловчи модда сифатида тиббиётда кенг қўлланилади.

Хавфсиз "Е" лар

"Е" қўшимчаларининг санокли қисми инсон организмни учун хавфсиз, деб топилган. Шундай бўлса-да, бундай қўшимчалар сақлаган маҳсулотларни 5 ёшдан кичик болаларга бериш тавсия этилмайди. Улар қаторига қуркумин бўёғи (E100), нордонлаштириш хусусиятига эга бўлган ҳақрабо кислотаси (E363), хамирни юмшатишда ишлатиладиган магний карбонат (E504), айрим маҳсулотларнинг ширинлик даражасини оширадиган тауматин (E957) кирди.

Хавфли "Е" ларни ўзида жо этган маҳсулотлар

Сақич ва ширинликларни озиқ-овқатлар қаторига қўшиш кишини ўйга толдиради. Чунки уларнинг турган-битгани қимёвий қўшимчалар — ширинлаштирувчи ва шакар ўрнини босувчи, стабилизатор ва эмульгаторлар ҳамда турли-туман бўёқлардан иборат. Шу боис сақичлар ва конфетларни болаларга бермаганингиз маъқул. Улар ошқозон шиллиқ қаватини зарарлантириб, организмнинг сувсизланишига, жигар ва буйрак фаолияти бузилишига, турли аллергия реакцияларга, тери касалликларига, қондаги холестерин микдори ортишига, хатто ақлий заифликка олиб келади.

Колбаса, сосиска, сарделькаларни ким ҳам хушламайди? Бирок, асалнинг ҳам ози ширин. Уларни мунтазам истеъмоли қилиш кўриш қобилиятининг пасайиши, ич суриши, бош оғриғи ва аллергияни келтириб чиқаради, ошқозон шиллиқ қаватининг қуриши, ошқозон хасталикларига сабаб бўлади. Дудланган ва ярим дудлан-

ган гўшт ва балиқ маҳсулотларига консервантлар, стабилизаторлар, бўёқлар, хушбўйлаштирувчи моддалар қўшилган бўлиб, уларни меъеридан ортқ истеъмоли қилиш ошқозон ости беши фаолиятига салбий таъсир кўрсатади ва қондаги холестерин микдорини оширади, юрак зўриқишига сабаб бўлади.

Йогурт деса, миямизга дарҳол фойдали маҳсулот деган ўй келади. Аслида унинг таркибидеги ўндан зиёд қўшимчалар инсон организмга мустақкам ўрнашиб олиб, аллергияни ча-

Шоколад еб, тушкунликдан чиқмоқчи бўлганлар овора бўлманг. Ҳозир бозор ва дўконлардан ҳақиқий қакаодан тайёрланадиган ва хушбўйлаштирувчи, стабилизаторларсиз шоколадни топиш амри маъқул. Пулингизга саратон касаллигини сотиб олиш ниятингиз бўлмаса, уларни кундалик рационингиздан имкон қадар узоқлаштиринг.

Шу ўринда, ҳақли савол туғилади. Нега биз асосан зарарли маҳсулотларни яхши қўшимча ва улардан воз кеча олмаймиз?

Айрим озиқ-овқат қўшимчалари шундай "айёр"ки, бир марта истеъмоли қилишингизнинг ўзидаёқ уларга қандай қилиб боғланиб қолганингизни билмайсиз. Масалан, натрий глютамат (E621)ни айтишимиз мумкин. У фаст-фуд таомлари, чипс, колбаса, яримтайёр гўшт маҳсулотлари, тез тайёр бўлувчи лағмонларнинг шурвалари таркибига кирувчи кенг тарқалган қўшимча бўлиб, таъм яхшилашда унга тенг келадигани йўқ. Аслида-чи? У асаб тизимини кўзга туғувчи токсин (захар) ҳисобланади, айниқса болалар организмга салбий таъсир кўрсатади. Ериқдаги "зирворлар" деган ёзувни ўқишингиз билан билверингки, унинг таркибидеги натрий глютамат деган зараркунанда ҳам мавжуд.

киради ва унинг сурункали тус олишига замин яратади.

Чипс ва картошка "фри"лари энг зарарли озиқ-овқатлар рўйхатида ўзининг мустақкам ўрнига эга. Тамаддиҳоналардаги картошка "фри"лари қайта-қайта ишлатилган ёгда қовурилади. Маълумки, қайта ишлатилган ёғ канцероген моддалар ҳосил қилади. Бу моддалар инсон организмда йиғилиб, яшириниб ётади. Холсизлик, кўп терлаш, тери қизариши билан кечувчи белгилар охири-оқибат хавфли ўсмаларни пайдо қилади.

Музқаймоқлар болалару катталарнинг жону дили. Таркибидеги ранг-баранг бўёқлар, хушбўйлаштирувчи ва эмульгаторларнинг "хизмати" туфайли организмда моддалар алмасишнинг издан чиқиши, мигрень, тери қичиши, уйқунинг бузилиши ва беҳаёловатлик каби ҳолатлар юзага келади.

Газли ичимликларни айримлар овқат ҳазм қилишдаги тенгсиз "ўрич" учун ёқтиради. Унутманг, организмга тушаётган захарли моддалар қаттиқ маҳсулотларга қараганда суяқлик билан осонроқ сўрилади. Газли ичимликларнинг хавфли томони ҳам шунда. Турган-битгани сунъий қўшимчалардан иборат бу рангли ичимликлар организмга тез сўрилади. Демак, салбий таъсири ҳам бошқаларга қараганда тезроқ намоён бўлади. Улардаги шакар ўрнини босувчилар, консервантлар, эмульгаторлар, ҳид ва таъм берувчи моддалар саратон, жигар циррози, юрак фаолиятининг бузилиши ва аллергия касалликларни келтириб чиқаради. Қувватбах газли ичимликлар эса охири-оқибат асаб тизимини бузди.

Қотирилган нон турли ҳид ва таъмга эгаки, уни "Е" сақловчи энг зарарли қўшимчалар макони қиёслаш мумкин! Уй шароитида қотирилган оддий нонлардан кўра, мана шундай нонларни маъқул кўрувчилар орасида кўриш қобилиятининг пасайиши, ошқозон шиллиқ қаватининг қуриши ва аллергия реакцияларни кўп кузатишимиз мумкин.


Кўпга газли ичимликлардаги шакар ўрнини босувчи аспартам (E951) ҳам истеъмолини ўзида дарров тортади. Бир марта ичсангиз, яна ичгиниз келади. Уларни мунтазам истеъмоли қилиш бепуштлиқ ва Альцгеймер касаллигини келтириб чиқаради.

Аслида ҳар бир қўшимчанинг қатъий белгиланган микдори бор. Аммо ишлаб чиқарувчилар аксарият ҳолларда маҳсулот ёрлигида бу қўшимчаларнинг массаси ва сонини кўрсатишмайди. Шунга қарамай, бундан ўзингиз билиб олишингиз мумкин. Маҳсулотнинг таркибий рўйхатида жами ингредиентлар (жумладан, озуқавий қўшимчалар ҳам) қандай тартибда жойлашган бўлади. Яъни, биринчи қатордаги ингредиент ўша маҳсулот таркибидеги энг кўп бўлса, рўйхат охиридан кам микдордагилари ўрин олади.

Олимларнинг айтишича, организмимизда йиғилиб бораётган озуқавий қўшимчалар келтириб чиқарадиган касалликлар 10—12 йилдан сўнггина намоён бўлади.

Қисқаси, ҳар бир инсоннинг кундалик таомномасидан озуқавий қўшимчалардан иборат маҳсулотлар ўрин олган бутунги даврда соғлом яшаш учун меъёри нунгмаслик лозим. Кичик ёшдаги фарзандларимизга ранг-баранг хўроққандлар, сақич ва музқаймоқлар харид қилишдан олдин ўйлаб кўрайлик. Булар фарзандимизга нима беради? Ер шарни аҳолисининг ортиси ва табиий озиқ-овқатнинг қандайлиги, қолаверса, sanoat ривожини туфайли атроф-муҳитнинг ифлосланиши натижасида ҳосилдорликнинг пасайиб, озиқ-овқат, мева-сабзавот сифати тушиши кузатилаётган айна даврда инсоният эртанги кун, туғилмак авлод таъминини қилмаса, кейин кеч бўлиши мумкин.

Наргиза ШОДМОНОВА тайёрлади.



Қўшимча моддалар	Тури	Вазифаси
E100-E182	Бўёқлар	Маҳсулотнинг рангини яхшилаш мақсадида ишлатилади.
E200-E299	Консервантлар	Маҳсулотнинг сақланиш муддатини узайтиради. Кимеявий стерилловчи воситалар. Улар озиқ-овқатни турли микроблардан, замбурут ва бактериялардан ҳимоя қилади.
E300-E399	Оксидланган қарни қўшимчалар	Оксидланган жараёнини секинлаштирилади. Масалан, ёт-мой маҳсулотларининг тахир тортиши ва ранги узаришининг олдини олишда ишлатилади.
E400-E499	Стабилаштирувчилар	Маҳсулот таркибининг муътадиллаштириб туради. Кўчқоқлаштирувчилар эса, маҳсулотнинг қайишқоқлигини таъминлайди.
E500-E599	Эмульгаторлар	Бир-бирига аралашмайдиган маҳсулотларни бир хил кўриштириб келтиради. Масалан, сув ва ёғни.
E600-E699	Таъм ва ранг кучайтиригичлар	Маҳсулотнинг табиий ранги ва ҳидини кучайтиришга хизмат қилади.
E700-E899	Захардаги рақамлар	Захардаги рақамлар
E900-E999	Кўпик сундирувчилар	Кўпик ҳосил бўлишини қамайтирувчи.

2017-yil 29-aprel, № 34 (8995)

НАВБАТДАГИ "УЧАР АВТОМОБИЛЬ" ЯРАТИЛДИ

Неча йилдирки, автомобилларнинг ҳавода парвоз этиши ҳақидаги тасаввур одамзодга тинчлик бермайди. Яқинда Мюнхендаги "Lilium Aviation" компанияси икки нафар йўловчига мўлжалланган учар автомобилни синовдан ўтказди. Бу ҳақида "Hi-news" технология портали хабар қилди.



"The Lilium Jet"

автомобили яратиш устида 40 дан ортик тажрибали муҳандис ва дизайнердан иборат гуруҳ иш олиб борди. Мазкур транспорт воситаси ҳавода соатига 300 километр тезликда горизонтал ва вертикал ҳолатда ҳаракатлана олади. Ғайриоддий автомобилга 36 та реактив двигател ўрнатилган икки томонида худди кушникка ўхшаш 10 метрли улкан қанотлар бор. Автоуолунинг кулай қанотлар бор. Автопилот ёрдамида

ликларидан бири — йўловчилар унда ҳайдовчисиз, автопилот ёрдамида ҳам парвоз этиши мумкин.

— Машинанинг ички қисмига қувватловчи батарея ўрнатилган, — дейди компания раҳбари Патрик Натен. — "The Lilium Jet"нинг учқур қанотлари ва реактив двигателлари ёрдамида транспорт воситаси бошқа учир аппаратига таққослаганда анча самарали ишлайди. Шунингдек, у жуда кам миқдорда энергия талаб қилади.

Компания вакиллари автоуолунинг дастлаб ҳайдовчи бошқарадиган, кейинчалик эса мутлақо "учувчисиз такси"га айлантирмоқчи. Учар автомобиль ерга хавфсиз қўниши учун парашют билан жиҳозланди. Тажриба қутилган натижани берса, машина 4 кишига мўлжаллаб янада кенгайтирилади.

КЎЗ ЎРНИНИ БОСУВЧИ КЎЗОЙНАК

Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасида "сунъий ақл" ва нейрон тармоқлар устида олиб борилган тажриба ва намуналар кенг омма эътиборини тортмоқда. Улардан самарали фойдаланиб, инсоният ҳаётини янада қулайлаштириш имкони бор. Шундай воситалардан бири британиялик кўзи ожиз беморда сигнални ҳақида "Лента" нашри хабар қилди.

"Сунъий ақл" тизимига мослаштирилган кўзойнақлар синовдан муваффақиятли ўтди. Гап шундаки, мазкур замонавий кўриш воситаси ўз соҳибига атрофдаги барча нарсаларни ва ҳодисаларни билдириб, етарлича маълумот беради.

Масалан, албионлик Марк Билтоннинг кўзи узоқ йиллар олдин пигмент дистрофия хасталигига учраб, кўрмай қолганди. Дарвоқе, мазкур касаллик фанда кўз пардаси ҳужайра ва тўқималаридаги модда алмашинувининг бузилиши деб аталиб, у наслдан-наслга ўтади. Хасталикнинг хавфлиги шуки, унга чалинган киши бир неча йил хасталик аломатларини сезмай, кўриш қобилиятини пасайибди деб юраверади. Афсуски, дистрофияга бе-



фарқлик кўр бўлиб қолишга олиб келади. Чунки хасталикнинг кўзнинг муғуз пардасидаги ўта нозик томирларда ривожланиши туфайли даволаш ниҳоятда қийин кечади. Кискаси, 34



ёшли Билтон 2002 йилдан бери мана шу оғир хасталикдан азият чекаётганди. Замонавий "ақлли кўзойнақ" таққач, у ташқи оламни кўролмасда, ўзини қуршаб турган реал дунёни эшитиш ва худди соғлом одамлардек беҳавотир юриш имконига эришди.

Қурилма ўзига хос, ноодатий тузилишга эга. Аппаратдаги махсус алгоритмлар ахборот таҳлили жараёнини юзага келтиради, митти қулоқчинлар эса кўзойнақ нималарни кўраётганини сохибига айтиб туради. Кўзойнақдаги камера китоб ва журналлардаги матнни ўқиш ва ҳатто одамлар юзини таниш хусусиятига ҳам эга.

ТОК ХОТИРАНИ ЯХШИЛАШИ МУМКИНМИ?

АҚШнинг Пенсильвания университети нейробиологлари зарарланган асаб толарига кучсиз электр токи юбориш йўли билан хотирани яхшилаш усулини ўйлаб топгани ҳақида "Gizmodo" нашрида ёзилди.

"Мияда хотира фаоллигини қайта тиклаш" лойиҳаси доирасида ўтказилган тажрибада дастлаб миёга имплантант қурилма жойлаштирилди. Тадқиқотга инсондаги когнитив қобилиятнинг бузилиши билан боғлиқ эпилепсия касаллигига чалинган беморлар жалб этилди. Кўнгиллиларга хотирани текширувчи бир қанча тест топшириқлари бажартирилди. Тадқиқотчилар эса бунга ҳамоҳанг равишда хотирани ўйотишга таъсир этиш илминда тажриба иштирокчиларнинг мия соҳасига кучсиз электр токи юбориб турди.

Олимлар тадқиқот якунида ток таъсирида миёда кузатилган юқори ва паст даражадаги фаоллиқни ўзaro таққослади. Биринчи бор ток юборилганда беморларнинг кўрсаткичи паст бўлган, иккинчи уринишда эса уларнинг хотираси яхшилانган.

Олимлар илк тадқиқотлар ҳулосаси нима сабабдан бир-бирини инкор этишига ҳам изох берди. Бу кашфиёт даволашининг янги "ёпиқ цикл"ни (closed-loop treatment) ишлаб чиқишда қўл келади. Мазкур усулда имлантант қурилмадаги электр импульслар беморга ҳақиқатан ҳам фойда бергандагина юборилиши кўзда тутилмоқда. Нейробиологлар гарчи мазкур усулда даволаш ғайриоддий бўлса-да, ер юзида Альцгеймер, деменция каби хотира зафлигидан азият чекаётган минглаб инсонларни даволашда асқотишига ишонмоқда.

Одина КУЛМУРОВАДА тайёрлади.

Реклама • эълон Реклама • эълон Реклама • эълон Реклама • эълон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-573-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги "Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 409-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида, 2017-2018 ўқув йилида 1-синфга борадиган ўқувчилар ва яқна тартибда уйда таълим оладиган болалар учун ўқув қуроллари тўпламларини харид қилиш учун очик тендер савдолари ўтказди. Тендер савдоларида қолиб чиққан корхона ва ташкилотлар

РЎЙ ХАТИ

Ўқувчилар суммаси бўйича:

1	ATIRGUL G'UNCHASI ICHSK	10	MRIYA XSICHK
2	SHIN ILHOM XICHK	11	NURXAMKOR PLYUS XK
3	SHIN SHARQ MCHJ	12	PAPRI OTA KTXF
4	SHIN UNIVERSAL SERVIS OOO	13	SAG'BON TIKUVCHI ELIT MCHJ
5	HUMO-TEKS KTKK	14	TEMUR SALTANATI XF
6	INOQ XKTSICHF	15	TYAN SHAN SPORT JIXOZLARI MCHJ
7	KIFTI OV SHAMANI XK	16	VISOL NUR ICHK
8	MADINA-97 MCHJ	17	XIZMAT GARANT ELIT MCHJ
9	MILANO MILLENIUM XK	18	XO'JAFOBOD MCHJ

Ўқув қуроллари бўйича:

	АКВАРЕЛЬ БЎЕВИ (12 рангли)	ЎЧИРГИЧ (ластик)
1	OZIQ-OVQAT SAVDO MCHJ	1 VIP UNIVERSAL XK
	ПЛАСТИЛИН	РУЧКА
1	ALFA PLAST INVEST MCHJ	1 OZIQ-OVQAT SAVDO MCHJ
2	GAMMA HIKMATULLOH MCHJ	
	РАНГЛИ ҚАЛАМ (12рангли)	ЕЛИМ (қалам)
1	OZIQ-OVQAT SAVDO MCHJ	1 FARUS GRAND FARM MCHJ
	ОДИЙ ҚАЛАМ	
1	VIP UNIVERSAL XK	

"TOSHKENT UNIVERSAL AVKSION SAVDO" МЧЖ АХБОРОТИ

"ПАХТАКОР" спорт машғулоти ўқув маркази ОАЖ балансидаги д/р 23-57 ЕК бўлган "ТТ3-80" русумли трактор техникаси, ушбу ташкилотнинг 2017 йил 10 апрелдаги 41-сонли хатига асосан; "TOSHKENT SHANAR ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI" ОАЖ балансидаги д/р 01/781 ZBA бўлган "ГБА СПГ ГАЗ-5227"; д/р 01/948 WBA бўлган "УАЗ-31512"; д/р 01/801 WBA бўлган "УАЗ-31512"; д/р 01/419 MBA бўлган "УАЗ-3151201"; д/р 01/794 WBA бўлган "УАЗ-31512" русумли автотранспорт воситалари, ушбу ташкилотнинг 2017 йил 18 апрелдаги 42МИ-1-11/1636-сонли хатига асосан; "Тош-

иссиққуввати" ишлаб чиқариш бирлашмаси УК балансидаги д/р 01/053 XBA бўлган "ПАЗ-672"; д/р 01/113 XBA бўлган "УАЗ-3741-01" русумли автотранспорт воситалари, ушбу ташкилотнинг 2017 йил 17 апрелдаги 13-07/3092-сонли хатига асосан; Тошкент давлат аграр университети балансидаги д/р 01/944 NAA бўлган "ВАЗ-2121"; д/р 10/841 LAA бўлган "УАЗ-3303" русумли автотранспорт воситалари, ушбу ташкилотнинг 2017 йил 26 апрелдаги 1/5-1271-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

Халқ билан мулоқот фаолиятимиз негизи

Ички ишлар органлари ходимлари касбий фаолияти юзасидан фуқаролар билан кўп мулоқотда бўлади. Бунда улардан юксак муомала маданияти, қолаверса, ҳуқуқий саводхонлик, халқпарварлик талаб этилади.

Ички ишлар вазирлиги академиясида курсантларга ана шундай хислатларни шакллантиришга қаратилган зарур касбий билимлар бериб борилади. Касбга доир малака ва кўникмаларни ошириб бориш, соҳага оид берилаётган билимлар жамият ҳаётининг оддий қоидаларидан келиб чиқиб, шахс билан жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади. Бундай вазифалар соҳа ходимлари зиммасига она юртимизга садоқат билан меҳнат қилиш, хизмат бурчини сид-

қидилдан адо этиш, қонунларга қатъий риоя қилиш масъулиятларини юклайди. Шунингдек, ижтимоий ва шахсий ҳаётда ҳалол, мард, интизомли, меҳнатсевар, юксак маданиятли бўлиб, барчага ўрнак қўрсатиш, хизмат бурчини бажариш чоғида ташаббус кўрсатишга ундайди.

Келгусида ички ишлар, ҳуқуқ-тартибот идораларида тергов, тезкор қидирув ходими, профилактика инспектори ва бошқа мутахассисликлар бўйича фаолият кўрсатувчи курсантларимиз онгига касбий

таълим билан бир қаторда тезкорлик, қузатувчанлик, тартиб-интизомга бўйсунуш сингари сифатларни сингдириб бора-

миз. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширилаётган tub ислохотлар мазмун-моҳиятида aholi dardiga quloq tutish, muloqot madaniyatini yuksaltirish masalalari har qanday soha faoliyatining negiziga aylandi. Сирасини айтганда, халқ хизматида камарбаста бўлиш, тинчлик-осойишталикни таъминлаш хар биримиз учун шарафли бурчдир.

Ғайбулла ХАМИДОВ, Дониёр ТОШПЎЛТОВ, Ички ишлар вазирлиги академияси ўқитувчилари

Умрбой дойимнинг¹ хотини — Тозагул чечам. Дарё бўйдан, Қилчоққа яқин — Қилчибойдан Ёрмишга келин бўлиб тушганга ярим асрача бўлди. Қанча сувлар оқди. Қанча шамоллар эсди. Қанчадан-қанча пахталар очилди. Дунё бир силкинди, қорақабқдай икки қишлоқ орасига чегара тушди. Тиқанак-жангал симлар тортилди. Сўқмоқларни кум босди. Орадаги йўллар ёпилди...

Эсимни танганимдан бери Тозагул чечам кўз олдимда басавлат, ҳайбатли, гапиришлари майин, дон-дона, баъзан бироз қилчибойча, қорақалпоқ оҳангида "жўқ"лаб кўяди. Гоҳида "рўмол"ни "урўмол", "рўза"ни "урўза" тарзида "р" товуши олдидан битта "ў"ни орттиради. Ҳеч қисингани, қизишгани, қистаниб-шошилганини кўрган эмасман. Дойим эса акси — тезгап, тезоқар дарёдек. Тез савол беради, тез сўзлайди, тез жавоб қайтаради, тез юради. Ичкадай чўзилган одамни ёмон кўради. Майда гапни ёқтирмайди. Қуриган таёқни синдиргандай қарсиллатиб, гапнинг лўндасини чўрт кесиб айтади. Бировга танбех берар бўлса, "ҳай, манглайи қаттигай..." дейди, таъбига ўтирмаган кимдандир жаҳли чиқса, "ҳай, манглайи қора-ай, гўринг борми..." деганича давомига гап улайди. Узи шофёр. Колхоз автосаройидаги энг катта машинани ҳайдайди. Биз уни "Кум машин" деймиз. Сабаби — дойим ҳар доим баҳайбат машинаси билан Қорақумга қатнайди. Қорақум деганлари жуда узоқда. Мен бирор марта бормаганман. Бахтиёр акам билан Баҳром акам ҳам. У ерда колхознинг қўллари бор. Кумда дойимнинг туркман ошналари — чўпон жўралари кўп. Улар билан тўй-маъракада бордик килади. Туркман чўпонлари мард, меҳмондўст, чўрткесар, қўлиочик одамлар бўлади. Ойда-йилда бир келиб қолишса, тўқилиб-сочилиб келади: қўй-қўзи, гулли кийгиз, туркман гали², чўғирма, тахия, гали жўрраб³ — бир дунё совға-салом билан келади. Дойим колхоз қўлларини Қорақумга ташайди. Бу ёқдан у ёққа, у ёқдан бу ёққа. Зарур бўлса, колхоз фермасидан кумдаги қўиларга ем-хашакми, пресланган йўнғичками олиб кетади.

Бир йили дойим Қорақумдан катта "ЗИЛ"нинг кузовидан баландга чиқариб сазоқ-саксовул ортиб келди. Сазоқ — тошқўмирдай қаттиқ ўтин; чўғи зўр бўлади; тошқўмирдан қолишмайди. Қишда жоннинг ҳузури. Дойимнинг машина ҳайдаши ҳам табиатига мос — газини босиб, тез юради...

Ўтган куз йўлим тушди. Уйлари-га кирдим. Дойим билан чечам до-

лондаги хонтахта устига ёпилган қурамишгулли дастурхон теграсида бола-чақалари билан чой ичиб ўтиришган экан. Қартайишибди. Бир бошқасига суянчиқ дегандай. Чечамнинг ўтирган ўрни ўзиники. Кенг-мўл қўйлақларининг этаклари билан оёқлари учини ёпди. Невараларидан бири келиб, секин тиззасига тирмашди. "Сал арироқ ўтир, болам. Оёқларим кўтармайди", деди чечам беозоргина.

— Дойи, кўз яхшими? — сўрадим.

— Шукр, опирасадан кейин сал яхши. Лекин аввалгидай эмас-да, жиян.

— Шу чечамни кўрса бўлди-да, тўғрими? — деб тегишдим.

— Чечангни кўради, вай-бў-й-й, — дейди ҳазилимга жавобан.

Кулишамиз. Деворга осиб қўйилган Абдурайим бувам билан Саодат энамнинг расмига беихтиёр барабар қараймиз. Онамнинг

никига елдаги учиб келар, орадан бир муддат ўтиб-ўтмай, онамга қараб "Зиёда, хой Зиёда, мен келтаман"га тушиб қолар, онам бувамнинг табиатларини, гапидан асло қайтмаслигини билгани учун унча ҳайратланмас, "ўтирмайсизми" дер, айна дамда, ортиқча қисталанг ҳам қилмас, "ихтиёр ўзингизда, ота" деб қўл қовуштирганча адаб сақлаб турарди. "Зиёда, мен кетдим!". Бориб йўл четидаги Рўздат чўпоннинг собиқ гужумига⁸ боғланган қулранг эшагини ечади. Мен изидан чиқиб, Қари отамга қўмаклашаман: узангига оёқ кўйиб эгарга мингунча эшак нўхтасидан ушлаб тураман. Қулранг эшак бошини силтаб, лабларини пириллатади. Шитоб билан шовуллаб келган Қари отам бами-соли аразлаган ёш боладай изига қарамай Ўйрат йўлига равона бўлади...

Университетда иккинчи курсда

Мозақчи чечам

Ҳикоя

ота-оналари. Бувамни биз Қари ота дер эдик. Онам ёши нақ ўн еттига етганида онаси — Саодат бувимиздан айрилган экан. Ёш кетганлар, раҳматлик. Дойим шунда ўн беш ёшда бўлган. Опа-ука гоҳи гаплашиб қолганида, хўрсинишлари, она меҳрига тўймаганлари сўзларининг маҳзун оҳангидан сезилади. Опа-ука — яъни Умрбой дойим билан онамдан эшитган бир гап — Саодат бувимнинг ўлими қутилмаганда бўлган экан. Аслида, бу оламдан ризқ-насибаси узилган бўлса, қутилмаган ёки тасодиф деган гап ноўрин-ов. Бу гапни на онамга, на дойимга айтаман. Улар қошида донолик менга ярашмайди. Маҳмадналик саналади. Гап шуки, Саодат энам тўй қилаётган қўшнисининг уйига икки кун кетма-кет ноҳавога⁴ чиқади. Ёзнинг иссиқ кунига олти тандир нон ёпишга қўмаклашади. Танаси ўтдай қизиганича уйга келиб, таллақтомнинг⁵ муздай изгар⁶ ерига ўзини ташлайди. Совиш учун. Изгар-нам ердан касаллик орттириб оладилар-да, шундан кейин бери қарамайди. Бувамга тақдир ёзиги шу экан-да.

Саодат бувимнинг ўлимидан кейин Қари отам Бийка энамга уйланди. Бироқ Бийка энамиздан фарзанд бўлмади. Мен Бийка энамни яхши эсламан. Тўладан келган, гап-сўзи бутун, кайвонисифат аёл эди. Қариндошларнинг тўй-маъракаларида дастурхончилик қиларди. Орада ўн йиллар ўтиб, Бийка энамиз ҳам қайтиш қилди. Абдурайим бувамнинг шашти баланд. Ўғлига "Уйлантириб қўясан", дегандай ора-орада дағдагалар ҳам қилади. Изида ўн ёшлар қизини эргаштириб келган бир татар ночорга⁷ уйлантирилганларини эсламан. Қанча вақт бирга яшаганлари ёдимда йўқ. Аммо шу хотин уйларида йғиб қўйилган ул-бул, латта-путта, лаш-лушларни тугунчага жамлаб, бир кунни ўқчани кўтаради. Татар хотиннинг қилмишидан куйганиданми, ҳартугул, шундан кейин Қари отам уйланишдан гап очмай қўяди. Ёши ҳам ҳар на бир ерга бориб қолганди. Баъзида эшак миниб биз-

ўқиб юрган кезларим қишки таътилга бордим. Қари отамнинг бевоблигини эшитиб, Баҳром акамнинг "Ява"сига мингашиб кўргани бордик. Дахлиздан кираверишда ўнг тарафдаги томда полга ташланган кўра-тўшақда ётибди. Кўзлари юмук. Ёнида Умрбой дойим. Хомуш. Акам билан иккимиз дойимнинг ёнига — қора гижим баҳмал кўрпачага чўқкалаб ўтирдик. Бемор бувам нимадир деди. Биз англамай қолдик. Отаси ёнида бир неча кундан бери ардоқлаб ўтирган дойим Қари отамнинг ярим ишорасидан гапини тушунади. Аланглаб, "Нима гап?" дегандек акамга имладим. Акам лабини буриб хотиржамгина елка қисди. Дойим эшикка қараб: "Тозагул лагани⁹ олиб кел, тезроқ", деди. Остонада қўлида эски лаган билан чечам пайдо бўлди. Йиғлаганиданми — билмадим, юзлари бироз бўғриққан. Дойимнинг имосидан кейин чечам лагани бўсағанада қолдириб изига қайтди. Баҳром акам, мен, дойим — учовлашиб Қари отамни суяб ўрнидан турғаздик. Лагани оёқлари тагига қўйиб, "чойнинг хизмати"ни адо этишига қўмак бердик. Бир ўзига келади, бир ўзидан кетади. Кўзлари гирашира очилган махали дойим Қарри отамга қараб: "Ота, ахтиқларингиз¹¹ келибди. Сизни кўриш учун", деди. Билмадим, Қари отамнинг хаёли қаерларга қараб кетди. "Қайси отизни¹² айтасан? Хўжақальанинг ёнидаги отизми? Ҳов, бориб кўринглар. Қачонлар суриб қўйганман, чигит экишга тайёр бўлди, ахир". Гаплари аниқ ва равон. Дойим бизга жимгина қарайди. Ака-ука дойимнинг хомуш назаридан "Ҳоли шундай, жиян" деган маънони англаймиз. Қари отам ора-сера хаёлидан ўтганларни гапириб қолади. Кимлар биландир талашади. Бир хилда қўшиқ хиргойи қилгандек бўлади. Бир маҳал ёдига келган оятларни пичирлайди. Қари отам колхозда трактор ҳайдаган. Пахта отизларни сурган, экишга ҳозирлаган. Жаҳли кўзиган паллада трактори бузилиб қолса, қўлига чўкичи¹³ олиб, "Мана сенга, мана сенга" деганича қулоч-

кашлар тракторни дабдала қиларкан. Жахлидан тушгандан кейин қийшайган қангилтирларни¹⁴ тўғирлар экан, раҳматлик. Ўлим тўшақда ётибди ҳамки, бошида пахта далалари айланади; ўй-хаёлида дунё ташвишлари юрибди.

Орадан икки кун ўтиб, намозгарда — қиш чилласи чиққан куни узилди. Бувам раҳматликнинг тобутини елкамда кўтардим. Қабристонга қараб тобут шитоб билан учиб боради. Ёши ўтган мудайроқ одам тобут изидан етиб юра олмайди. Ёшлар зипиллаб тез юришади.

Шаҳарга қайтар вақти Тозагул чечам ўқишда юрган ўғлини эслаб: "Қуранбойга бувасининг қазосини айтмай қўявур, хафа бўлади. Келгандан кейин ётиги билан тушунтирармиз", деб тайинлади. Қуранбой мендан уч-тўрт ойлик кичик. Ирригация институтида ўқийди. Пахта теримида узоқ қолиб кетганлари учун қишки таътилга ҳам кечроқ чиқишади. Деворда осиглик сувратни Қуранбой бўлам таъмирлатиб, қайта ишлатган — Қари отам билан Саодат энам...

Ҳаёт — оқин дарё. Ёнди кўрсам, дойим кексайган, чечамнинг ҳам ўтирган ўрни ўзиники. "Хайр, менга дуо" десам, "Нега кетасан? Келин ҳозир гашир¹⁵ тувраб половга қарайди", деди чечам. Кейин қайсидир келинининг яқинда кўзилганини айтади. Кетишимизни хоҳламаётган Тозагул чечам, баҳар-ҳол, сўзни чўзиш учунми чопиб келиб бўйинига осилган неварасини ёнига ўтиргизиб: "Ботир, шу ахтиқнинг исмининг сен қўйгансан, тўғрими?" дейди. Изидан қўшиб қўяди: "Сенинг отингни эса, биласан-а, мен қўйганман". Ҳа, ростдан ҳам менинг исминини Тозагул чечам қўйган экан. Онам Ўйратдан Хўжақальга келин бўлиб тушади. Отам Ўйратнинг мактабда физика, математикадан сабоқ беради. Мен тўртинчи фарзанд бўлиб дунёга келган қулларимнинг бирида отам мактабга қараб йўлдан ўтаётса, кўча эшигини супураётган Тозагул чечам салом-алиқдан сўнг жиндай ийманиб сўрайди:

— Бувакнинг¹⁶ отини ким қўйдингизлар, Нурмамаат ака?

Тозагул чечам — оғироёқ. Табиийки, унга чақалоқ ҳам, унинг исми ҳам қизиқ.

— Ёнди қўямиз.

— Улканлари Бахтиёр, Баҳром, шуларга мослаб Ботир қўйсангларчи!

Шу-шу, фаришталар чечамнинг гапига "овмин" деган экан. Акамлар исмига уйқашган "Б" товуши билан бошланадиган исимим Тозагул чечамдан ёдгорлик...

Шу кунларда туш кўрдим. Энам айтардики: "Тўшга не кирмас, душман не демас". Бепарво бўлай дедим. Булолмадим. Кўнглим бўлмади. Қишлоққа кўнгирик қилай-чи, тинчликмикан? Отамнинг ўқтам овози, ҳол сўрадим. Ҳол сўради отам. "Юрибман ишлаб. Яхши, яхши раҳмат. Сизга ҳам... Нима? Ким дедингиз, ота, ким? Вох-ай. Ётган жойи ёқти¹⁷ бўлсан... Ҳа, укаларими? Чегадандан ўтолмабди, денг... Тўғри айтасиз, бир одим жой эди... Неча... Етмиш иккида...". Беҳол ўғшани кўйдим. Хотиним безовталанди.

— Ким?! Адаси ким?!

— Тозагул чечам...

Кўзимнинг ёшлари ичимга қуйилди.

Баҳодир НУРМУҲАММАД

1 Дойи — тоға.

2 Гали — гилам.

3 Гали жўрраб — гулли гилам пайпоқ.

4 Ноҳаво — нон ёпишга ёрдамлашиш.

5 Талақтом — пол қилинмаган оморхонадек бир уй.

6 Изгар — нам.

7 Ночор — ожиза, хотин.

8 Собиқ гужум — маҳсус пайвандланган.

9 Лаган — тоғора.

10 Бўсағана — остона.

11 Ахтиқ — неварра.

12 Отиз — дала, томорқа.

13 Чўкич — болға.

14 Қангилтир — туноқа.

15 Ҳашир — сабзи.

16 Бувак — чақалоқ.

17 Ёқти — ёруғ.

Олимпия захиралари коллежи

У ерда энг сара бўлгуси спортчилар ўқиши керак

Фуқаро муурожаати:

Ўғлим бу йил 6-синфни битиради. Спортга қизиқиши кучли, шу боис ўқишни спорт мактабида давом эттиришни хоҳлаймиз. Каратэ тўғрарига қатнайдим. Уйда бўш қолдим дегунча спорт билан шугулланадими. Тенгдошлари орасида энчиллиги билан ажралиб туради. У спорт билан жиддий шугулланса, келажакда яхши спортчи бўлиб, юртимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишига ишонамиз. Бироқ уни қайси ўқишга олиб боришни билмаямиз. Юртимиздаги спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежлари ҳақида маълумот берсангиз.

**М. Ёқубов,
Тошкент вилояти**



Мамлакатимизда иқтидорли болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини ўстириш, маҳоратини ошириш борасида катта кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай саъй-ҳаракатлардан бири бу, шубҳасиз, ҳудудларда очилган олимпия захиралари коллежларидир.

Олимпия захиралари коллежи ўрта махсус, касб-хунара таълими давлат спорт-таълим муассасаси бўлиб, фаолияти ўрта бўғин спорти соҳасида юқори маънавияти мутахассислар ҳамда спортнинг олимпия ва миллий турлари, шунингдек, Олимпия ўйинлари дастурига киритиш учун номзод бўлган турлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларини шакллантириш учун спорт захираси тайёрлашга йўналтирилган.

Олимпия захиралари коллежида ўқиш умумий таълим дастури бўйича — 3 йил, яъни 7—9-синфлар; ўрта махсус, касб-хунара таълими дастури бўйича — 3 йилни, жами 6 йилни ташкил этади.

Ўқув дастурини ўзлаштирган ва якуний давлат имтиҳонидан ўтган умумтаълим бўғинларининг 9-синф битирувчиларига ўрта маълумот тўғрисида давлат намунасидаги аттестат, якуний давлат аттестациясидан ўтган олимпия захиралари коллежи битирувчисига эса ўрта махсус, касб-хунара

маълумоти тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилади.

Демак, спортчи бўлишни орзу қилган болалар умумтаълим мактабининг 6-синфидан сўнг ҳудудлардаги Олимпия захиралари коллежида белгиланган тартибда умумтаълим бўғинининг 7-синфига танлов асосида қабул қилиниши мумкин. Бунинг учун олимпия захиралари коллежи умумтаълим бўғинининг 7-синфига ўқувчилар танлов шартлари бўйича ва 6-синфдаги ўзлаштириш табели асосида олинади.

Дарвоқе, ҳозирги кунда деярли барча вилоятларимизда мана шундай спорт муассасалари ташкил этилган. Жумладан, Нукус, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қарши, Наманган, Самарқанд, Тайлоқ, Термиз, Чирчиқ, Фарғона, Урганч ҳамда Гулистон олимпия захиралари коллежлари ҳамда пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари коллежи энг иқтидорли ёшларни саралаб, тарбиялаш мақсадида фаолият юритмоқда.

ОЗҚда спортнинг олимпия ва миллий турлари, шунингдек, Олимпия ўйинлари дастурига киритиш учун номзод бўлган турлари бўйича сабоқ берилади. Масалан, бу йилги "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг финал босқичига мезбонлик қиладиган Жиззах шаҳридаги олимпия захиралари коллежида қуйидаги йўналишлар бўйича ўқитилади: бош-

лангич синфларда жисмоний тарбия мураббийи, бокс, футбол, миллий кураш, эркин кураш, Турон яккаураши, белбоғли кураш, дзюдо, енгил атлетика, қўл тўпи, сузши, теннис ва огир атлетика. Фарғона олимпия захиралари коллежида ўқувчилар спортнинг 19 тури бўйича мунтазам шугулланмоқда. Уларга 90 дан ортик тажрибали мураббий дарс беради.

Пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари коллежи ўтган вақт давомида кўпчиликка танилиб улгурди. Коллежда ўқув биноси сизими 630 ўқувчига мўлжалланган, коллежа ҳудудида 3 қаватли ўқув биноси, 3 та 3 қаватли ўқувчилар турархонаси, 400 ўринли овқатланиш блоку, 10 та спорт зали мавжуд. Коллежда юқори маънавияти ўқитувчилар ва 20 га яқин таникли тренер-мураббийлар фаолият юритмоқда. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида, бир неча умумтаълим ва касбий таълим тўғрараклари очилган. Коллеж 7—9-синф базасидаги умумтаълим бўғинига ҳам эга.

Битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини мазмунли ташкил этиш ва уларни ишга жойлаштириш борасида Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, "Пахтакор" футбол клуби, Енгил атлетика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби, Гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган Респуб-

лика олимпия захираси спорт мактаби, Кураш бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби, Сув спорти турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Шунингдек, 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Республика олимпия захиралари коллежи қабул квотаси оширилган. Ушанда коллежга қабул қилинувчилар сони умумий 750 нафарга ортган. Яъни, 330 нафар умумий ўрта, 420 нафар ўқувчи эса ўрта махсус касбий таълим олиши белгиланган.

Олимпия захиралари коллежлари тўғрисидаги

низомида келтирилишича, олимпия захиралари коллежи ўқувчилари учун сузқалик озик-овқат нормасига мувофиқ ҳамда Олимпия захиралари коллежларида бепул (имтиёзли) овқатлантириш харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми асосида озик-овқат билан таъминланади. Шунингдек, ўқувчиларга олимпия захиралари коллежининг моддий-техника базаси ва мол-мулкидан бепул фойдаланиш, ўқувчилар турархонасида бепул яшаш ва ҳаттоки ўқишни бошқа таълим муассасасига кўчириш ҳуқуқи ҳам берилади.

P.S. Юқоридаги каби савол ва муурожаатлар кўча-кўйда тез-тез қулоққа чалинади, ҳаттоки ижтимоий тармоқларда ҳам бу мавзу муҳокама этилмоқда. Ота-оналар спортсевар фарзандини қаерга олиб боришни билмай, сарсон бўлишади. Бундан эса, гарчи юртимизнинг ҳар бир вилоятида олимпия захиралари коллежлари ташкил этилганига қарамай, улардан халқимиз, маҳаллий аҳоли деярли хабарсиз, деган хулоса чиқариш мумкин.

Вилоятлар ҳамда пойтахтимиздаги олимпия захиралари коллежига, уларнинг қабул жараёнлари, танлов шартларига доир маълумотларни тўлаш жараёнида ушбу таълим масканларида бугунги куннинг энг муҳим талабларидан бири — халқ билан мулоқот, таълим муассасасининг тарғибот ва ташвиқот ишлари, оммавий ахборот воситалари билан ишлаш йўсини, ва ҳаттоки, Интернет тизимидаги фаолияти ҳам кўнгилдагидек эмаслигига гувоҳ бўлдик. Агар бу муаммолар бартараф этилмаса, олимпия захиралари коллежлари ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад, яъни спорт турлари бўйича иқтидорли болалар орасидан энг сараларини кашф этиш ва ўқитиш, терма жамоаларимизга муносиб ўринбосарларни етказиб бериш вазифаси тўлақонли бажарилмайди.

**Зоҳиджон ХОЛОВ,
"Ma'rifat" муҳбири**

Болаларнинг шахмат мусобақаси

Учтепа туманидаги 393-мактабгача таълим муассасасида мактабгача ёшдаги болалар ўртасида шахмат мусобақасининг туман босқичи ўтказилди.



— Болалар ўртасида спортнинг шахмат турини янада оммалаштириш, "ақл гимнастика"си билан шугулланишга иштиёқини оширишга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — деди Учтепа тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг мактабгача таълим методисти Феруза Толипова. — Аини мақсадларга қаратилган турнирда иштирок этиш истагини билдирган истеъдодли ва спортсевар тарбияланувчиларимизнинг кўпчилиги бизни қувонтиради.

Мусобақа якунига кўра, ўғил болалар ўртасида тумандаги 393-МТМ тарбияланувчиси Жаҳонгир Комилов, қизлар ўртасида 340-МТМ тарбияланувчиси Дилора Ражаббоева 1-ўринни эгаллаб, турнирнинг навбатдаги босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритди. Фолибларга диплом ва эсдалик совғалари берилди.

Шерзод УЛАШОВ

Мирзо Улғубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Иқтисодийёт факультети ўқув ишлари бўйича декан муовини Улғумурод Райхоновга вилдади муҳтарамаси **ИКРОМА** яннинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Республика Таълим маркази раҳбарияти ва жамоаси Методик ишларни мувофиқлаштириш ва педагогик технологиялар бўлими бош методисти **Наргизахон ЯҚУБОВА**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Тошкент давлат педагогика университети раҳбарияти ва жамоаси университетнинг илмий ишлар бўйича проректори Барно Абдуллаевага онаси

МУНОЖАТХОН онанинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

"Тинчлик посбонлари" — мусобақа волиби

Ёшлар ижод саройида "Ёш чегарачилар" ҳарбий-спорт мусобақасининг республика босқичи голибларини тантанали тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.



Республикадаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида тахсил олаётган ўқувчилар ўртасида 2011 йилдан бери ўтказиб келинаётган ушбу мусобақанинг куйи босқичларида 20900 нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини химоя қилувчи кўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Маданият, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган ушбу беллашув академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларини она Ватанга мухаббат, ҳарбий бурчга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматга тайёрлаш, ватанпарварлик гояларини тарғиб қилиш, давлат чегараларининг дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлашга оид билимларини янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Мусобақанинг республика босқичида фахрли 1-ўринни кўлга киритдик, — деди "Тинчлик посбонла-

ри" жамоаси сардори, Хўжайли агроинтисодиёт касб-хунар коллежи ўқувчиси Шарофат Давлатмуродов. — Сафда юриш, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тайёргарлик, тиббий ёрдам кўрсатиш, АКМ автоматини қисмларга ажратиб ва йиғиш, граната улқотириш, турникда тортилиш, 1000 метрга югуриш, инглиз тилидан тест синови каби шартларни бажариб жанговар техника, қурол-аслаҳалар, махсус бўлинма хизматчиларининг ҳарбий маҳоратини ўрганиб, зарур кўникмаларга эга бўлдик. Келажакда чегарачи бўлишга аҳд қилдим.

Тадбирда мусобақанинг республика босқичи голиби ва совриндорларига диплом, қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, иштирокчилар орасидан "Энг илғор мерган", "Энг илғор сардор", "Турникда энг кўп тортилгани учун", "Энг илғор мураббий", "Инглиз тили билимдони" каби номинациялар бўйича голиблар аниқланиб, муносиб рағбатлантирилди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири
Оқил ҒУЛОМОВ
(ЎзА) олган суратлар.



Эркин фикр ва тезкорлик

дарсда қизгин жараённи акс эттиради

Дарснинг қизиқарли бўлиши, мавзунинг тушунарли ва ўқувчи томонидан пухта ўзлаштирилишида ўқитувчи маҳорати асосий омил. Агар ўқитувчи ҳар бир дарсга муҳим ҳодиса сифатида қараса, жараён иштирокчиси бўлиши ўқувчи ҳам мавзунни иштиёқ билан ўзлаштиради.

Биз дарсини кузатган Учтепа туманидаги 312-мактабнинг математика фани ўқувчиси Насиба Бегимқулова ҳам ўғил-қизларни рақамларнинг сеҳрли оламига ошурфта этишда бор маҳоратини ишга солиб кўзланган натижага эришди. Унинг дарсида ўқувчилар ўзаро баҳс, эркин фикр билдириш, тезкорлик билан ишлашга одатланишган. Бу эса, табииyki, ўқувчиларни зериктирмайди.

Қарийб 30 йилдирки, мактабда сабоқ бериб келаётган Насиба Бегимқулова мураккаб масала ва тенгламаларни ўқувчиларга етказишда методик ўйинлар, кўргазмаларни воқитлардан фойдаланиш орқали юқори самарага эришиб келаяпти. Шу боис унинг ўқувчилари билимлар беллашувида қатнашиб, фахрли ўринларни эгалламоқда.

Бурхон РИЗОКУЛОВ
олган сурат.



Ma'rifat

TA'SIS
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Indeks: 149, 150. G-415. Tiraj 52143.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxonasi — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



4772010643004

«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqриз
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Xayrullo ABDURAHMONOV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonasi manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 22.00 Topshirildi — 23.15

12 456